

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳукукида  
УДК: 338+336 (575.1)**

**ФАЙЗУЛЛАЕВ САРВАР ХОЛМЎМИНОВИЧ**

**Миллий иқтисодиётнинг пул-кредит муносабатлари тизимида уй  
хўжаликлари пул ресурсларининг ўрни  
(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мисолида)**

**5А 340101 – “Иқтисодий назария”**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:  
и.ф.н., доц. Т.Ш. Исроилова**

**Тошкент – 2011**

Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасида  
дастлабки ҳимоядан ўтган.

\_\_\_\_\_ -сонли баённома «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2011 йил

Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_  
(ф.и.ш.) (имзо)  
(сана)

Магистр: \_\_\_\_\_  
(ф.и.ш.) (имзо)  
(сана)

## **МУНДАРИЖА**

### **КИРИШ.....** **I-боб. ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИНИНГ МОҲИАТИ** **ВА УНИНГ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ПУЛ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО** **БОҒЛИҚЛИГИ.....**

1.1. Пул-кредит муносабатларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва вазифалари.....

1.1 Уй хўжаликлари пул ресурсларининг моҳияти ва шаклланиш манбалари.....

1.2 Уй хўжаликлари пул ресурсларининг самарали фаолиятида аҳоли даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик.....

### **II-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА** **ОШИРИШДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ПУЛ РЕСУРСЛАРИДАН** **ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ.....**

2.1 Мамлакатимизда аҳоли даромадлари таркибини самарали шакллантириш учун олиб борилаётган тадбирлар.....

2.2 Инвестиция фаолиятини жадаллаштиришда уй хўжаликлари активларининг роли.....

2.3 Аҳолини иш билан таъминлаш - уй хўжаликлари пул даромадларини кўпайтиришнинг асосий омили.....

### **III-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА УЙ** **ХЎЖАЛИКЛАРИ ПУЛ РЕСУРСЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА** **УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....**

3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурини амалга оширишда пул-кредит сиёсатидан кенгроқ фойдаланиш имкониятлари.....

3.2. Иқтисодий ўсишни таъминлашда пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш жараёнларини моделлаштириш.....

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....**

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....**

## КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Уй хўжаликлари жаҳондаги ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Унинг самарали фаолият кўрсатиши иқтисодий ўсишнинг сифатига ва ижтимоий фаровонликнинг даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда Ўзбекистонда уй хўжаликлари молияси масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда оилаларнинг сифатли ва узоқ муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси сезиларли равишда ошди. Жумладан, бугунги кунда ҳар 100 та оилага ўртача 132 та телевизор, 99 та холодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 та шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ енгил автомобиль тўғри келмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда замонавий уй хўжаликлари молиясини барпо этиш мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок бошланган эди. Бу нарсa мамлакат иқтисодиёти олдида жуда кескин ўзгаришларни амалга ошириш шароитида содир бўлиб, улар ўз навбатида, уй хўжаликлари молиясининг олдида турган биринчи даражали вазифаларни ҳам аниқлаб берди. Уларнинг орасида уй хўжалиқларини хўжалик юритишнинг бозор шароитларига мослаштириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва миллий иқтисодиётда инвестицион фаолиятни рағбантлантириш алоҳида ўрин эгаллайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари С.В Галицкая, М.В Заяц, М.В Романовский, В.В Ковалев, В.Е Леонтьев, В.М Родионова, Г.Б Полякларнинг асарларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан З.Юлдошев, Т.Маликов, Ш.Шодмонов, А.Вахабов, Т.Бобакулов, О.Намозов, Н.Жумаев,

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2011й 22 январь.

Р.Шомуродов, Д.Тожибоева илмий ишларида мазкур масаланинг алоҳида назарий ва амалий жиҳатлари ўз ифодасини топган.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва уй хўжаликлари пул ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот объекти.**

- уй хўжалиklarининг пул ресурсларини иқтисодиётдаги ўрнини таҳлил қилиш ва уларнинг амалий аҳамиятига баҳо бериш;

- тараққий этган мамлакатлар марказий банкларининг фаол пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш борасидаги тажрибаларини таҳлил қилиш ва улардан Ўзбекистон амалиётида ижодий фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистондаги Республикаси тижорат банкларининг аҳоли билан тартибининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

- аҳоли даромадларини ошириш ва уларининг пул ресурсларидан самарали фойдаланиш йўларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот предмети** пул муомаласи қонунларининг самарали амал қилишини таъминлаш ва уй хўжаликлари пул воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардир.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида иқтисодиётни модернизациялаш, пул муомаласи ва уй хўжаликлари пул ресурсларидан са фойдаланишнинг самарали амал қилишини таъминлаш юзасидан баён қилинган фикрлар ва қоидалар, шу муаммога доир Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, Республика Ҳукуматининг мавзуга оид қарорлари, иқтисодчи олимларининг мазкур масала бўйича тадқиқотлари ва улардан чиқарилган хулосалар диссертациянинг назарий

асосини ташкил қилади. Республикамизда нашр этилган расмий статистик тўпламлар, Марказий банк, Молия вазирлигининг расмий маълумотлари тадқиқотнинг ахборот таянчи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари.** Ҳимояга илгари сурилган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- уй хўжаликлари ўз пул ресурсларидан қай даражада самарали фойдаланаётганлигини аниқлади ва бир тизимга келтирилди;

- Ўзбекистонда пул муомаласи қонунларининг самарали амал қилишини таъминлаш чора-тадбирлари таҳлил қилинди ва бунга қаратилган илмий таклифлар берилди;

- пул муомаласи қонунларининг самарали амал қилишини тавсифловчи асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали пул ҳаракатида юзага келадиган муаммолар кўрсатилиб, уларни ҳал этиш юзасидан аниқ амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, унда билдирилган илмий-назарий фикрлар ва чиқарилган асосий хулосалар пул муомаласи қонунларининг самарали амал қилишини таъминлаш тўғрисидаги назария ва амалиётни маълум даражада бойитади. Диссертацияда ишлаб чиқилган асосий қоидалардан тадқиқ қилинаётган масала бўйича ўқув-услубий қўлланмалар яратишда ҳамда “Иқтисодиёт назарияси”, “Бозор иқтисодиёти асослари”, “Банк иши”, “Молия”, “Уй хўжаликлари молияси” каби фанларнинг тегишли мавзуларига оид дарсларда фойдаланиш мумкин. Республикада давлатнинг пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида магистрант томонидан билдирилган таклиф-мулоҳазалар ҳамда тавсия этилган тадбирлардан Ўзбекистонда уй хўжаликлари активларини иқтисодиётга кенг жалб қилишни таъминлашга оид мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Диссертация ишининг таркиби ва тузилиши.** Диссертация кириш, 3 та боб, 8 та параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ва

манбалар рўйхатидан иборат бўлиб, матнга қатор чизма ва жадваллар илова қилинган.

# **I-БОБ. ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ПУЛ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ.**

## **1.1. Пул-кредит муносабатларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва вазифалари.**

Пул-кредит сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Аммо пул-кредит сиёсатини амалга оширишда йўл қўйилган хатолар иқтисодиётда салбий оқибатларга, хусусан, инфляция жараёнларининг кучайишига, ишлаб чиқаришнинг пасайишига, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг инқирозга юз тутишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу боис иқтисодий инқирознинг олдини олишда ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Пул-кредит сиёсати умумдавлат иқтисодий сиёсатининг таркибий ва ажралмас қисми сифатида мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва уни мустаҳкамлашда энг муҳим ўринни эгаллаб келганлиги аллақачон жаҳон тажрибасида исботланган ва у ҳозирги пайтда ҳам иқтисодиётда ўз самарасини бермоқда.

Айнан пул-кредит сиёсати мамлакатда миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш асосида юқорида қайд этилган ўта муҳим мақсадларга эришишда қулай шарт-шароитлар яратади ва у бозор иқтисодиёти давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг энг муҳим ва самарали воситаси ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсатининг иқтисодий моҳияти бу - Марказий банк томонидан миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлашга, пул массаси, банк тизимининг ликвидлилигини ҳамда тўлов балансини тартибга солишга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни, иқтисодий ўсишни

мустаҳкамлашга йўналтирилган воситалар, усуллар ҳамда чора-тадбирлар йиғиндисиدير.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пул-кредит сиёсатининг келгуси йилга мўлжалланган асосий йўналишлари ишлаб чиқиладиганда Марказий банк эътиборни ҳукумат томонидан қўйилган қатор мақсадларга: иқтисодий ўсиш, инфляция, валюта курси, фоиз ставкалари, тўлов баланси, молия, хусусан, пул ва валюта бозорларининг барқарорлигини таъминлашга қаратади. Ҳозирги пайтда инфляция даражаси ва миллий валюта курсини барқарор ушлаб туриш пул-кредит сиёсатининг пировард мақсадлари ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда Марказий банк, энг аввало, пул таклифи миқдорини иқтисодиётнинг пулга бўлган реал талабини мувофиқлаштиради, муомалада ортиқча пул массаси пайдо бўлишининг ва инфляциянинг келиб чиқишини олдини олишига қаратилган чораларни кўради. Шунинг учун барча мамлакатлар Марказий банкларининг бош мақсади-нархларнинг оқилона ва барқарор даражада бўлишини таъминлаб туришдан иборат. Ушбу мақсадга эришишнинг асосий воситаси бўлиб, пулга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлаган ҳолда пул массаси миқдорини тартибга солиш ҳисобланади. Бироқ, Марказий банкларнинг бош мақсади фақат нархлар даражасининг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлибгина қолмасдан, балки улар ўз ваколати ва функцияларига кўра макроиқтисодий барқарорликни, реал иқтисодий ўсиш ва паст даражадаги ишсизликни таъминлаш учун ҳам маъсулдирлар. Шу сабабли, Марказий банк ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун пул-кредит сиёсатининг замонавий воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда пул бозори, банк тизими ликвидлилиги ҳолатига ва умуман иқтисодиётга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу боис, Жаҳон банки амалиётида пул-кредит сиёсатига иқтисодчи олимлар, мутахассислар ва ҳукумат томонидан алоҳида эътибор берилади.

Назарий жиҳатдан олганда, пул-кредит сиёсати конъюнктуравий сиёсатнинг такомиллашган воситаси бўлиши керак. Аммо Ж.Кейнсда марказий банкларнинг фоиз ставкаларини тез-тез ўзгартириб туриш имконияти ва хоҳишига нисбатан шубҳа пайдо бўлди. Ж.Кейнс тарафдорлари пул-кредит сиёсатининг самарасизлиги омиллари таҳлилини кучайтирдилар ва бу омиллар иккиёқлама мазмунга эга, деган хулосага келдилар. Бир томондан, банк тизими пул массасини тез ва самарали бошқариш имконига эга эмас; иккинчи томондан, умумий талабни таҳлили пул массасини зарур ўзгаришлари хусусидаги саволга аниқ жавоб бера олмайди<sup>2</sup>.

Ж.Кейнснинг пулларга талаб назарияси бир қатор ривожланган мамлакатларнинг марказий банкларининг фаолиятида, монетар сиёсатнинг назарий-услубий асоси сифатида, қўлланди. Масалан, АҚШда ФЗТ томонидан иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда фоиз ставкаларининг пул массасига таъсирини таъминлаш сиёсати олиб борилди. Бунинг натижасида мазкур даврда, АҚШ молия бозорларида, пул массасининг ўсиши билан фоиз ставкасининг пасайиши ва аксинча, фоиз ставкаси юқори бўлган шароитда пул массасининг ўсиш суръати пасайганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, АҚШ иқтисодиётида 1963 йилдан 2000 йилгача, яъни 37 йил давомида пул массаси йилига ўртача 7,6 фоиздан ўсган бўлса, ўртача йиллик фоиз ставкаси 6,4 фоизни ташкил этган ҳолда инфляция даражаси йилига ўртача 4,8 фоизга ўсган. Шунингдек, 1963 йилда пул массаси 8,5 фоизга ўсган бўлса, фоиз ставкаси 3,5 фоизни ташкил этган. 1970 йилда фоиз ставкасининг 6 фоизгача оширилиши билан пул массасининг ўсиши кескин камайиб 3,9 фоизни ташкил этган.

М. Фридменнинг пул-кредит назарияларини ривожлантириш йўлидаги буюк хизматларидан бири бўлиб, муомаладаги пул массасининг қатъий белгиланган ўсиш суръатларини жорий этиш ва уни Марказий банк томонидан оралиқ нишон сифатида назорат қилишнинг зарурлигини илмий

---

<sup>2</sup>Кейнс.Дж. М. Избранные произведения.-М.: Экономика, 1993.

жихатдан асослаб берганлиги ҳисобланади. М. Фридмен дастлаб пул массасининг йиллик 3-5 фоиз атрофида ўсишини белгилаб олишни ва унга риоя этиш тадбирларини амалга оширишни таклиф қилган. Унинг фикрига кўра, пул массасининг ушбу миқдорда ўсиши иқтисодиётда иқтисодий фаолликни кучайтиради. Пул таклифининг ўсиши йилига 3-5 фоиздан юқори бўлса, унда инфляция ўса бошлайди, агар, иқтисодиётда пул таклифининг ўсиши 3-5 фоиздан кам бўлса, ЯММнинг ўсиш суръати пасая бошлайди.

М. Фридменнинг амалиётда кейинчалик исботланган катта хатоси унинг пул массасининг тебраниши конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ эмас, деган хулосасисидир.

М. Фридменнинг пул қонидаси XX асрнинг 70-йиллар охиридан бошлаб АҚШ ва Буюк Британия пул-кредит сиёсатининг асосини ташкил этди. Маълум мақсадни, яъни муомаладаги пул массасининг ҳар йили 3-5 фоиздан ўсишини кўзлаган сиёсат ўз ижобий натижаларини берди. Инфляция даражасининг йиллик 10 фоиздан 5 фоизгача пасайиши натижасида ЯММ йилига 3-5 фоиз атрофида ўсиб борди.

Монетаристик пул таклифи концепциясининг муҳим масалаларидан бири муомаладаги пул массасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар масаласидир. Улар, асосан, уч омилни ажратиб кўрсатишади:

Марказий банк томонидан чиқарилган пулларнинг миқдори (Марказий банкнинг банкноталари ёки “юксак қувват”га эга бўлган пуллар);

- Банк заҳираларининг меъёри (депозитлар-заҳиралар);
- Нақд пулларнинг депозитларига нисбати.

Монетаристларнинг фикрига кўра, “юксак қувват”га эга бўлган пулларнинг ўзгариши Марказий банк сиёсатининг натижасидир, қолган иккала омилнинг ўзгариши эса, тижорат банклари ва банк мижозларининг ҳатти-ҳаракатларидаги ўзгаришини англатади<sup>3</sup>. Айнан Марказий банкнинг сиёсати муомаладаги пулларнинг миқдорига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади ва бинобарин, биринчи омил асосийдир, деб ҳисоблайдилар. Бунда

---

<sup>3</sup> М.Фридмен. Если бы заговорили деньги. Пер. с англ.-М.:ИНФРА-М, 2001.- с.63

банкларнинг ва улар мижозларининг ҳатти-ҳаракатини акс эттирувчи муносабатлар нисбатан барқарордир. Пул массаси эса “юксак қувват”ли пулларга муносиб равишда ўзгариб туради, деган фикрга асосланади. ”Юксак қувват”ли пулларнинг ўзгариши эса, Марказий банк томонидан очиқ бозор сиёсати орқали тартибга солиб турилади.

М.Фридмен барча назарий гипотезалар эконометрик жиҳатдан тасдиқланган бўлиши шарт деб ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам у 1959 йилда пулларга бўлган талаб функциясининг эмпирик таҳлилини АҚШ мисолида тақдим қилди. Мазкур эмпирик таҳлилнинг зарурлиги шунда эдики, реал ликвидли активларга бўлган талаб функциясининг назарий жиҳатдан асослашда М. Фридмен пулларга талабга таъсир қилувчи кўп сонли омилларни киритди. Эмпирик таҳлил эса ана шу омиллар ичидан муҳим рол ўйнайдиганларини аниқлаб бериши зарур эди. Масалан, М.Фридменнинг фикрига кўра, ўзида кам сонли омилларни акс эттирган функциягина операцион функция ҳисобланади. Шу сабабли у аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал, доимий даромад кўрсаткичини пулларга бўлган талабни ўзгаришига таъсир қилувчи асосий сабаб деб ҳисоблади<sup>4</sup>.

М. Фридмен банклар ва аҳолининг ҳатти-ҳаракатини тавсифловчи омилларни барқарор ва секин ўзгарувчи деб ҳисоблади. Пул массаси эса юқори ликвидли пулларнинг ўзгаришига мос равишда ўзгаради. Юқори ликвидли пулларнинг ўзгаришини эса Марказий банк ўзининг очиқ бозор сиёсати орқали назорат қилади.

М. Фридменнинг издошлари унинг пуллар таклифи хусусидаги концепциясини чуқурлаштирдилар. Бу ўринда Ф. Каганнинг алоҳида хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ф. Каган АҚШ учун тарихий аҳамиятга эга бўлган, пул массасининг уч таркибий қисмини аниқлаб берди<sup>5</sup>. У пул массасининг узоқ давр мобайнида ўзгариши юқори ликвидли пул массасининг ўзгариши билан белгиланишини исботлаб берди. Қисқа

---

<sup>4</sup> Friedman M. The lag in Effect of monetary policy, journal of Political Economy, Oct. 1961 p. 237-260.

<sup>5</sup> Havrilesky T.M. The pressures on American monetary policy. – Boston etc. Kluwer, 1993.

муддатли даврий оралиқларда пул массасининг ўзгариши, унинг фикрига кўра, иқтисодий фаолликнинг тебраниши билан белгиланади. Ва аксинча, агар иқтисодий фаоллик барқарор бўлса, пул массасининг циклик тебранишлари асосан аҳоли омонатлари таркибининг ўзгариши билан изоҳланади, қўшимча омил сифатида – банк заҳиралари сиёсатидаги ўзгаришлар билан изоҳланади.

Айнан шу сабабли монетаристлар аҳоли ва банкларнинг ҳатти-ҳаракатларини формаллаштириш мақсадида пулларнинг таклифи функциясини ишлаб чиқдилар. Ушбу функция неокейнсчиларнинг пуллар таклифи функциясидан кредит мультипликатори концепциясига асосланганлиги билан фарқ қилади. Кредит мультипликатори марказлашган тарзда эмиссия қилинадиган пулларнинг пул муомаласидаги етакчи ролини исботлаш мақсадида жалб қилинган.

Марказий банк кредит мультипликаторини ҳисоблаш орқали кредит эмиссиясининг пул массасига таъсирини баҳолаш имконига эга бўлади.

Кредит мультипликатори қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K = \frac{M}{M_m}$$

Бунда:

К-кредит мультипликатори;

М-пул массаси;

Мм-Марказий банк томонидан эмиссия қилинган пул массаси.

Пул массаси пул-кредит сиёсатининг индикатори бўлиб хизмат қилиши учун унинг статистик мазмунини эркин аниқлаш зарур. Амалиётда пул агрегатини аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд. Турли пул агрегатлари параллел йўл билан такомиллашиб бормайди, шунинг учун пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида аниқ пул агрегатини танлаш жиддий масала ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида учрайдиган кўп сонли кредит мультипликаторининг нисбатан соддаси қуйидаги шаклга эга:

$$K = \frac{1}{aK_v - a_v}$$

Бунда:

$a$  - банк захираларининг банк депозитларига нисбати;

$v$  – аҳоли қўлидаги пул массасининг умумий пул массасига нисбати.

Пуллар таклифини қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мумкин:

$$M_t = K \times M_b$$

Бунда:

$M_t$  - пуллар таклифи;

$M_b$  - пул базаси;

$K$  - кредит мультипликатори.

Келтирилган формулаларда пул базаси Марказий банкнинг ҳатти-ҳаракатини тавсифлайди. Кредит мультипликатори эса банк захираларини ва аҳолининг ўз қуйилмаларига муносабатини тавсифлайди. Юзаки қараганда пул массаси, пул базаси ва кредит мультипликатори ўртасидаги муносабат пул таклифини юзага келтирувчи асосий омиллар тўғрисида ҳеч қандай қимматли маълумот бермайдигандек туюлади. Ҳақиқатда эса К. Бруннер ва Х. Мельтцер пул массаси, пул базаси ва кредит мультипликатори ўртасидаги ўзаро муносабатларни тавсифловчи кўрсаткичлар асосида пул бозорига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган омилларни тижорат банклари ва аҳолининг пул бозоридаги ҳатти-ҳаракатини белгилайдиган омиллардан ажратиб олдилар<sup>6</sup>.

Пул бозорига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган омилларга қуйидагилар киради: Марказий банкнинг валюта интервенцияси, банкларнинг мажбурий захираларини ўзгартириш.

Марказий банк валюта интервенциясини амалга оширганда миллий валютадаги ички нетто-активлар ва хорижий валютадаги ташқи нетто-

---

<sup>6</sup> В.М.Усоскин. Денежный мир Мильтона Фридмена.-Москва: ФиС, 1979.-с.17

активларнинг миқдори сезиларли даражада ўзгаради. Марказий банк тижорат банкларига нисбатан белгилаган мажбурий захира талабномаларини ўзгартирса, бу ҳолат тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини қисқартириш ҳисобига кредит эмиссияси ҳажмига бевосита таъсир қилади.

Тижорат банклари ва аҳолининг пул бозоридаги ҳатти-ҳаракатини белгилайдиган омилларга қуйидагилар киради: банклар томонидан векселларни қайта ҳисобга олиш, аҳолининг муддатли депозитларга бўлган талаби, ортиқча заҳираларни жойлаштириш. Ушбу омиллар гувоҳлик берадики, пуллар таклифи фоиз ставкаларининг даражасига ва хусусий омонатчиларда пул маблағларининг мавжудлигига боғлиқ. Аммо ушбу коэффицентларнинг эмпирик даражаси барибир Марказий банкнинг ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолаверади. Масалан, Марказий банк томонидан молия бозорида қимматли қоғозларни сотиб олиниши фоиз ставкаларини пасайтиради. Бу эса, ўз навбатида мультипликаторни камайишига имкон яратади. Қисқа муддатли даврий оралиқларда пул массаси пул базасининг тебранишига жуда таъсирчан бўлади.

Монетаристлар пулларга талаб ва таклиф функцияларининг назарий ва эмпирик таҳлили асосида конъюнктуравий пул-кредит сиёсатининг имкониятлари ва чегараларини аниқладилар. Хусусан, К. Бруннер пул-кредит сиёсатининг таъсир этиш имкониятларини қуйидаги уч омил билан изоҳлади:

1. Марказий банкнинг интервенциялари пул базасининг тебранишини юзага келтиради.
2. Пул базасининг тебраниши пул массасининг ўзгаришини белгилайди.
3. Пул массасининг ўзгариши номинал даромадларнинг тебранишини белгилайди<sup>7</sup>.

Дастлабки икки омил Марказий банкнинг пул массасини назорат қилиш қобилиятини, учинчи омил эса пулларга талаб функциясининг шакли ва барқарорлигини белгилайди.

---

<sup>7</sup> В.М.Усоскин. Денежный мир Мильтона Фридмена.-Москва: ФиС, 1979.-с.73

М. Фридмен пул массасини назорат қилиш билан боғлиқ қийинчиликларни яхши англаган. Шунинг учун ҳам у Федерал Заҳира Тизимини ислоҳ қилишнинг бир неча вариантларини таклиф қилди. Ислоҳ қилишнинг асосий мақсади айрим банкларнинг Федерал Заҳира Тизимининг интервенцияларига нисбатан номақбул ҳаракатларига барҳам бериш эди. Шунингдек, М. Фридмен таъкидладики, очик бозор сиёсати Федерал Заҳира Тизимининг векселларни қайта ҳисобга олиш ва мажбурий заҳираларни бекор қилиш мақсадида пул бозорига таъсир этишининг ягона механизми ҳисобланади<sup>8</sup>.

Монетаристлар кейинчалик Марказий банк томонидан пул массасини самарали назорат қилиш шартларига аниқлик киритдилар. Бу шартлар бир вақтнинг ўзида пул базасига ҳам, кредит мультипликаторига ҳам тегишлидир. Пул базасининг эмиссияси қисман Марказий банкнинг очик бозор сиёсати доирасида амалга оширилади. Пул базаси эмиссиясининг иккинчи қисми эса банк тизимига нисбатан мутлақо экзоген омил сифатида амалга ошади. Бунга мисол қилиб олтин-валюта заҳираларининг ўзгаришини, Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш ҳажмидаги ўзгаришларни келтириш мумкин.

Монетаристларнинг фикрига кўра, АҚШ молия тизимида бу шартлар самарали амалга оширилмоқда. Масалан, Федерал Заҳира Тизими банк тизимининг инқирозини келтириб чиқармаган ҳолда очик бозордан сотиб олинаётган қимматли қоғозлар сонини лимитлаштириши мумкин. Гап шундаки, америка банклари одатда ортиқча заҳираларга эга бўлади. Бундан ташқари, уларнинг ихтиёрида молия бозорларида сотилиши мумкин бўлган облигациялар мавжуддир. Шу билан бирга, айрим банкларнинг Федерал Заҳира Тизими олдидаги қарздорлиги катта ва доимий ҳисобланмайди. Ниҳоят, Федерал Заҳира Тизими молия ва валюта бозорларининг фаолиятига бевосита аралашмайди.

---

<sup>8</sup> В.М.Усоскин. Денежный мир Мильтона Фридмена.-Москва: ФиС, 1979.-с.57

Монетаристлар ва кейнсчилар ўртасидаги аҳамиятга молик қарама-каршиликлардан бири бюджет сиёсати ва пул-кредит сиёсатининг устиворлиги хусусидаги қарашлар ҳисобланади.

Монетаристлар пул-кредит сиёсатининг талабларини ҳисобга олмасдан амалга ошириладиган бюджет сиёсатини самарали бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра, пулларга бўлган талабнинг эластиклиги фоиз ставкаларига нисбатан заифдир, агар пул массаси ўсмасдан даромад ошса, одатда, фоиз ставкаларининг ўсиши юз беради. Ушбу ўсиш пулларга бўлган талабнинг эластиклигини фоиз ставкаларига нисбатан заифлиги натижасида янада юқори бўлиши мумкин. Фоиз ставкаларининг ўсиши инвестиция харажатларини қисқартиради ва даромадларнинг ўсишига тескари таъсир қилади. Шундай қилиб бюджет харажатларининг ўсиши инвестиция харажатларини қисқариши билан кузатилади. Ушбу масалани ечими Хикс-Хансен моделида ўз аксини топган. Ушбу модел узоқ вақт мобайнида асосий модел сифатида қараб келинди. Кейинчалик бу модел К.Бруннер, Х.Мельтцер томонидан ишлаб чиқилган модел билан алмаштирилди. Ушбу моделнинг афзаллиги шундаки, унда пуллар ва қимматли қоғозлар ўртасидаги, пуллар билан молиявий активлар ўртасидаги, пул шаклидаги активлар билан реал активлар ўртасидаги муносабатларнинг умумий жиҳатлари ўз аксини топди.

АҚШ ва Ғарбий Европада ўтказилган бир қатор илмий тадқиқотларнинг натижалари шуни исботладикки, фоиз ставкаларининг хўжалик субъектларининг қуйилмалари таркибига таъсири асосан пул агрегатларининг ичида намоён бўлади. Муддатли ва жамғарма депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларининг ошиши кенгайтирилган пул агрегати таркибида уларнинг салмоғини сезиларли даражада ўсишига олиб келади. Агар ҳукуматнинг қимматли қоғозларига тўланадиган фоиз ставкаларининг даражасини депозитларнинг фоиз ставкаларига нисбатан сезиларли даражада ўсиши юз берса, у ҳолда корхоналарнинг ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағлари ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиб олишга

йўналтирилади. Бу эса, ўз навбатида, МЗ пул агрегати таркибида ҳукуматнинг қимматли қоғозлари салмоғини ўсишига олиб келади. Масалан, шундай хулосалар Пол Кругман ва Морис Обстфельдларнинг илмий изланишларида шакллантирилган<sup>9</sup>.

Шубҳасиз, етакчи пул-кредит концепцияларининг асосий масалаларидан бири Марказий банкнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги масаласидир. Халқаро амалиётда ушбу омил пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири эканлиги ўз исботини топди. Марказий банкларнинг мустақиллик даражаси 4 баллик шкала бўйича аниқланади ва ушбу шкалага кўра, мустақиллик даражаси нисбатан юқори бўлган марказий банклар сифатида Германия, Швейцария ва АҚШ марказий банклари эътироф этилади. Айнан ушбу мамлакатларнинг миллий валюталари барқарорлик даражаси юқори бўлган валюталар ҳисобланади.

М. Фридмен Марказий банк ҳукуматдан мутлақ даражада мустақил бўлиши керак, деган ғояни илгари сурди. Бу ғоя унинг ҳукумат харажатларини Марказий банк кредитлари ҳисобидан молиялаштиришга чек қўйиш хусусидаги таклифида, шунингдек, пул массасининг қатъий ўсиш қоидасини жорий этиш хусусидаги таклифларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ж.М.Кейнс Марказий банкнинг мутлоқ мустақил бўлиши ғоясини очиқ эътироф этмаган бўлсада, унинг илмий изланишларида бу ғоянинг тарафдори бўлганлиги яққол сезилади. Ж.Кейнс ижоди билан жиддий шуғулланган бир қатор иқтисодчи олимлар, жумладан, В.М.Усоскин, Б.К.Иришевларнинг илмий изланишлари мазкур фикримизни исботлашга хизмат қилади. В.Усоскин ўзининг «Денежный мир Мильтона Фридмена» номли асарида, Б.Иришев «Денежно-кредитная политика: механизмы и воситаы» асарида Ж.Кейнснинг назарий қарашларини илмий асосда тадқиқ қилганлар.

---

<sup>9</sup> Кругман П, М.Обстфельд. Международная экономика. – Санкт-Петербург: ПИТЕР, 2004 – С.390.

Марказий банкнинг мустақиллигини таъминлашда унинг Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш ва валюта интервенцияси ўтказиш имконияти муҳим рол ўйнайди. Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини чиқариш ва уларни бирламчи жойлаштиришда иштирок этиши шарт бўлган марказий банкларни амалда ҳукуматдан мустақил бўлган банклар деб бўлмайди. Бюджет дефицитини молиявий расмийлаштиришда иштирок этиш мажбурияти Марказий банкни сезиларли даражада ҳукуматга бўйсундириб қўяди. Айни вақтда, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини бирламчи жойлаштиришда иштирок этмайдиган марказий банклар ҳам ҳукуматнинг билвосита таъсири остида бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ ФЗТ ҳукуматнинг қимматли қоғозларини бирламчи жойлаштиришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда, иккиламчи бозорда ушбу қимматли қоғозларни сотиб оладилар ва сотадилар. Демак, Марказий банк бюджет дефицитини молиялаштиришда бевосита иштирок этади.

Йирик миқдордаги бюджет дефицити Марказий банкнинг юқори даражадаги мустақиллиги таъминланган шароитда ҳам иқтисодиётга кучли инфляцион таъсир кўрсатади. У фоиз ставкаларини ошишига олиб келади ва шу йўл билан Марказий банкни бюджет дефицити тазйиқига дучор қилади. Шунинг учун Марказий банкнинг мустақиллигини қонуний асосда расмийлаштираётганда бюджет дефицитининг миқдorigа нисбатан чеклашлар жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро банк амалиёти тажрибалари шуни кўрсатадики, Германия, АҚШ ва Швейцария давлатларининг марказий банклари юқори даражада мустақил бўлган марказий банклар ҳисобланади. Хусусан, 1957 йилдаги Бундесбанк тўғрисидаги Қонун бўйича унинг асосий мажбурияти миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдир. Бунда Бундесбанкнинг ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатини қўллаб-қувватлаш мажбурияти ҳам белгилаб қўйилди<sup>10</sup>. Бу эса Марказий банкнинг мутлақ мустақиллиги мавжуд эмас, деган хулосани шаклланишига жиддий асос бўлади. Айни вақтда,

---

<sup>10</sup> Немецкий Федеральный банк: денежно-политические задачи. Специальное издание.-№7, 1993. – с.19

Япония ҳукумати Марказий банк фаолиятини назорат қилиши мумкин. Канадада Молия вазири Марказий банкка директив характерга эга бўлган кўрсатмалар бера олади. Бундан ташқари, Марказий банкнинг бошлиғи ҳукумат томонидан алмаштирилиши мумкин. Голландияда ҳам Молия вазири расман Марказий банкка директив характерга эга бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли, лекин бундай кўрсатмалар бериш ҳукуқи жиддий тарзда чекланган ва Молия вазири ҳозирга қадар бирон марта ҳам бундай кўрсатмалар бермаган.

Германия, Швейцария, Австралия ва Канадада марказий банкларнинг расман тасдиқланган асосий мақсади мамлакатда баҳолар барқарорлигига эришишдир. Германия ва Швейцарияда марказий банклар ушбу мақсадга эришишнинг уддасидан чиқа олганлар. Аммо Австралия ва Канада марказий банклари хусусида бундай дейиш қийин. 1981 йилда Италия Марказий банкни ислоҳ қилиш амалга оширилди. Ушбу ислоҳот натижасида Италия Марказий банки Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш мажбуриятидан халос бўлди.

Умуман олганда, ҳар қандай Марказий банк Қонунга бўйсунди ва унинг бош мақсади мамлакатда баҳолар барқарорлигига эришиш ҳисобланади.

Марказий банкнинг мустақиллик даражаси миллий валютанинг алмашув курсини шакллантириш жараёнида ҳам намоён бўлади. Агар валютанинг алмашув курси ҳукумат томонидан белгиланадиган бўлса, у ҳолда Молия вазири Марказий банкка валюта бозоридаги интервенция ҳажмини белгилаб беради. Бу эса, ўз навбатида, Марказий банкнинг мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имкониятини камайтиради. Бундай шароитда Марказий банк эмас, балки ҳукумат миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади. Бунда мустақил Марказий банкни юзага келтириш учун оралик, келиштирувчи вариантдан фойдаланиш мумкин. Ушбу вариантнинг моҳияти шундаки, ҳукумат валюта курсини шаклланиш механизмини белгилаб

беради, лекин Марказий банкнинг валюта бозоридаги операцияларига аралашмайди.

Мустақил Марказий банкни юзага келтириш муаммоси муҳим ташкилий-сиёсий жиҳатга эгадир. Мустақил Марказий банк сиёсатчиларнинг инфляциянинг ўсишига, мамлакат ташқи қарзининг кўпайишига олиб келувчи ҳаракатларига қарши тура олиши зарур. Бундай Марказий банкка ёрқин мисол қилиб Бундесбанкни кўрсатиш мумкин. Бундесбанкни бундай мақомга эга бўлишида америка оккупацион ҳукуматининг хизмати катта. Улар Ғарбий Германия ҳукмрон доираларининг эътирозларига қарамасдан Бундесбанкни мустақил бўлишини талаб қилдилар. Европа Иттифоқига аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг марказий банклари тўғрисидаги қонунлар XX асрнинг 30-40-йилларида қабул қилинган бўлиб, уларда марказий банкларни мустақил қилиш вазифаси қўйилмаган эди. Чунки бу даврда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ҳукумат иқтисодий сиёсатининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланар эди.

Федератив давлат тузилишига эга бўлган мамлакатларда марказий банкларнинг мустақиллигини таъминлашдаги жиддий тўсиқлардан бири улар билан маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳисобланади. Марказий банкнинг маҳаллий ҳокимият органларидан мустақиллигини таъминлашда АҚШ ФЗТнинг тажрибасидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. АҚШда заҳира банклари мамлакатни, унинг маъмурий бўлинишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бўлиб олган. Битта заҳира банки бир неча штатга хизмат кўрсатиши мумкин. Аини вақтда, битта штат бир неча заҳира банкининг юрисдикциясида бўлиши мумкин. Бундай шароитда, маҳаллий ҳокимият органларининг заҳира банкларига тазйиқ кўрсатиш имконияти кескин камаяди.

Бир вақтнинг ўзида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказий банкнинг мустақиллик даражасини унинг пул-кредит сиёсатига таъсири турли мамлакатларда турличадир. Мустақил Марказий банк иқтисодиётни инқироз ҳолатидан олиб чиқишга ёки иқтисодий ўсишни таъминлашга қодир,

деган хулосани шакллантириш мумкин эмас. Аммо шу нарса шубҳасизки, ҳукуматга бўйсунадиган Марказий банк инфляцияни жиловлай олмайди, пул муомаласининг барқарорлигига салбий таъсир қилувчи омилларга барҳам бера олмайди. Мустақил Марказий банк банк операцияларини макродаражада самарали тарзда тартибга солади, пул-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлай олади.

Пул-кредит концепцияларини тадқиқ қилиш натижаларига асосланган ҳолда, бизнинг фикримизча, шундай хулосаларга келиш мумкинки, биринчидан, икки кейнсчилик ва монетаризм оқимлари ўртасида ҳали ўз ечимини топмаган мунозаралари масалалар талайгина. Шулардан бири бюджет ва пул-кредит сиёсати самарадорлиги масаласидир. Иккинчидан, пул массаси ва давлат қарзи тебранишининг иқтисодий фаолликка ва баҳоларнинг умумий даражасига таъсири пулларнинг алмашилиш хусусиятига боғлиқ. Учинчидан, М.Фридменнинг пул қоидалари сезиларли қисми халқаро банк амалиётида кенг қўламда қўлланилмоқда ва пул-кредит сиёсатининг бюджет сиёсатига нисбатан самарали эканлигини исботлади, дейиш мумкин.

## **1.2. Уй хўжаликлари пул ресурсларининг моҳияти ва шаклланиш манбалари.**

Уй хўжаликлари иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий таркибий бирликдир. Уй хўжаликлари доирасида моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилинади. Бозор иқтисодиётида уй хўжаликлари мулк эгаси ҳамда ишлаб чиқариш омилларини етказиб берувчилар ҳисобланади. Иқтисодий ресурсларни сотишдан олинган пул даромадлари шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилади<sup>11</sup>.

---

<sup>11</sup> Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. - Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ». 2010 йил, 726 бет.

Уй хўжаликлари пул ресурслари ҳар бир давлат молия тизимининг ажралмас таркибий қисми (элементи) ҳисобланади. Бозор муносабатлари тизимида уй хўжаликларининг молиявий аҳамияти унинг иқтисодий жиҳатдан нимага мўлжалланганлиги билан белгиланади. Бир томондан, уй хўжаликлари ишлаб чиқариш омилларининг (меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва бошқаларнинг) хусусий эгалари ҳисобланади ва худди шу асосда ўзларининг даромадлар манбалари ва молиявий тушилмаларини шакллантиради. Бошқа томондан эса, уй хўжаликлари иқтисодиётда товарлар ва хизматларни истеъмол қилувчилар сифатида майдонга чиқади ва демак, бозор талабини белгилаб (аниқлаб) беради. Бир вақтнинг ўзида у жамият ялпи даромадининг бир қисмини жамғаради, реал ва молиявий активларни сотиб олиш орқали молиявий резервларни яратишда иштирок этади, солиқ тўловлари орқали эса давлатнинг марказлаштирилган молиявий фондларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Миллий статистикада “уй хўжалиги” атамасидан аҳоли (кишилар тўплами)дан иборат бўлган институционал бирликни ифодалаш учун фойдаланмоқ керак. Шунинг учун ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан тавсия этилган Миллий ҳисоблар тизимининг (МХТ) замонавий халқаро андозаси (стандарти) уй хўжалигини ягона (бир) яшаш майдончасида биргаликда яшаётган, умумий фондга ўзларининг даромадлари ва бойликларини тўлиқ ёки қисман ўтказаяётган ва айрим товарлар ҳамда хизматларни, энг асосан уй-жой ва истеъмол маҳсулотларини умумий тарзда (биргаликда) истеъмол қилаётган кишиларнинг катта бўлмаган гуруҳи, деб таърифлайди.

Айрим ҳолларда ўзбек иқтисодий адабиётида “уй хўжалиги” атамасининг “хонадон” ёки “оила” атамалари билан алмаштирилишига йўл қўйилмоқда. Шунга мос равишда “уй хўжалиги молияси” иборасининг ўрнига “хонадон молияси” ва “оила молияси” ибора-лари ҳам эквивалент ёки синоним шаклида ишлатилмоқда. Шу муносабат билан “оила” ёки “хонадон”ни “уй хўжалиги”дан ажратмоқ (фарқламоқ) лозим. Энг аввало,

“уй хўжалиги”, “оила”га нисбатан бироз чекланган характерга эга эканлигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Масалан, ўзларининг ўғилларига тегишли бўлган жойда (бинода) яшаётган кекса ота-оналар уй хўжалигининг аъзолари бўлсаларда, унинг оиласи бўлолмайди. Шунингдек, бир хонани ижарага олган талаба уй-жой эгасининг уй хўжалиги таркибига киради, лекин унинг оиласи таркибига кира олмайди ва ҳ.к. Бошқача айтганда, уй хўжалиги қариндош бўлмаганларни ҳам ўз ичига олиши ёки бир кишидан (шахсдан) иборат ҳам бўлиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, уй хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан аниқланишини белгилашда оилавий алоқалар асосий омил бўлолмайди. Бунинг устига, уй хўжалигининг миқдорий таркиби ҳам ўзига хос бўлган хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар, энг аввало, шу билан белгиланадики, биргаликда яшаётган ва умумий хўжаликни юритаётган шахслар гуруҳи ҳам ва бир вақтнинг ўзида, ўзининг истеъмолини мустақил равишда таъминлаётган ягона бир шахс (киши) ҳам уй хўжалиги бўлиб ҳисобланиши мумкин. Уй хўжалигини хўжалик юритишнинг мустақил иқтисодий ва молиявий бирлиги сифатида ажратилиши қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилмоғи лозим:

- биргаликда (бир жойда) яшаш;
- умумий бюджетнинг мавжудлиги;
- иқтисодий қарорларни биргаликда (ҳамкорликда) қабул қилиш.

Уй хўжаликлари молияси молия тизимининг муҳим элементи ҳисобланади. Иқтисодий категория сифатида у уй хўжаликларида истеъмол мақсадлари ва жамғариш учун пул маблағлари фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ва фойдаланишга тегишли бўлган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат. Ана шуни эътиборга олган ҳолда уй хўжаликлари молиясига қуйидагича таъриф бериш мумкин: уй хўжаликларида истеъмол мақсадлари ва жамғариш учун пул маблағлари фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ва фойдаланишга тегишли

бўлган иқтисодий муносабатлар мажмуига уй хўжаликлари молияси дейилади.

Иқтисодий фанларда ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг алоҳида олинган соҳасида бир хилда ва доимий равишда вужудга келадиган муносабатлар мустақил иқтисодий категориянинг мазмунини ташкил этиши эътироф этилган. Бу ўринда гап “уй хўжаликлари молияси” категориясининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни тўғрисида кетаётир. Ана шуни инобатга олган ҳолда уй хўжаликлари молиясига қуйидагича таъриф бериш мумкин: ўзларининг ижтимоий-иқтисодий фаолиятлари жараёнида уй хўжаликлари ва уларнинг алоҳида аъзолари иштирокида пул маблағлари мақсадли фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш борасида вужудга келадиган пул муносабатларининг мажмуи уй хўжаликлари молияси деб аталади.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари ўзларининг ичида ва ўзларига нисбатан ташқи бозор субъектлари саналганлар билан молиявий муносабатда бўлади. Шунга мувофиқ равишда уй хўжаликларида мавжуд бўлган молиявий муносабатлар мажмуини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- ички;
- ташқи.

Индивидлар – уй хўжалиги аъзоларининг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида зарурий пул фондларини (жорий истеъмол даражасини, пул резервларини, инвестициялаштиришни ушлаб туриш учун ва ҳ.к.), шакллантириш ва улардан фойдаланишга оид унинг иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар уй хўжалигининг ички молиявий муносабатлари ҳисобланади.

Уй хўжаликларининг ташқи молиявий муносабатлари уларнинг бошқа иқтисодий субъектлар билан бўлган ўзаро алоқалари орқали намоён бўлади. Корхоналар ва ташкилотлар молияси билан уй хўжаликлари бевосита ўзаро боғланган: фирмаларга иқтисодий ресурсларни тақдим этиб, уларнинг эгалари сифатида уй хўжаликлари яратилган маҳсулотнинг қийматидан ўз улушларини

оладилар ва шу билан ялпи маҳсулотни бирламчи тақсимлашда иштирок этадилар. Бу муносабатлар ўзининг яна бир муҳим иқтисодий томонига эга. Улар иқтисодиётда аҳоли даромадларининг бошланғич даражасини белгилаб берадики, бу нарса, ўз навбатида, истеъмолнинг шаклланиши, кўлами ва таркибий тузилмасига, тўловга лаёқатли талабнинг шаклланишига ва ниҳоят, уй хўжаликлари томонидан жамғариш функциясининг амалга оширилишига тўғридан-тўғри ўз таъсирини кўрсатади.

Давлат ва уй хўжаликлари ўртасидаги молиявий муносабатлар ҳам тўғридан-тўғри ва яна орқага қайтариловчи алоқалар асосида қурилади ва улар бюджет ҳамда нобюджет фондларни шакллантириш, улардан фойдаланишдаги муносабатларни ифодалайди. Уй хўжаликларининг даромадлари ва мол-мулклари солиққа тортилиш объекти сифатида майдонга чиқади ва демак, бюджет тизими даромадлар базасининг тузилмавий элементи ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида солиқлар, пенсия тизими, ижтимоий трансфертлар орқали давлат молиявий оқимларни уй хўжаликларининг турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлайди. Уй хўжаликлари ва давлат ўртасидаги молиявий муносабатларни амалга ошириш жараёнида миллий даромаднинг иккиламчи қайта тақсимланиши содир бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат уй хўжаликларига тегишли бўлган даромаднинг тақсимланиш жараёнига тўғридан-тўғри таъсир қилиш инструментларига эга эмас. Молиявий муносабатларнинг бу соҳаси давлат томонидан энг кам даражада регламентация қилинади. Бунинг сабаби шундаки, уй хўжаликлари пул фондларини шакллантиришнинг зарурлиги, усули ва мақсади тўғрисида, уларни сарфлашнинг ўлчами ва вақти хусусида қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

Маълум бир даврда уй хўжаликларининг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағлари суммалари уларнинг даромадлари дейилади. Бундай даромадлар турли шаклларда намоён бўлади, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тизими билан ўлчанади, иқтисодий мазмунига кўра турли манбалардан таркиб топади.

Уй хўжаликларининг жами даромадларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- уй хўжаликларининг натурал шаклдаги даромадлари;
- уй хўжаликларининг пул шаклидаги даромадлари.

Натурал даромадлар товар шаклига эга эмас ва улар ўз-ўзини таъминлашга мўлжалланган уй хўжалиги аъзолари меҳнатининг натижасидан иборат бўлади. Уларнинг таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинган маҳсулотлар;
- уй хўжаликларида истеъмол қилинадиган ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан олинган натурал тўловлар.

Расмий белгисига кўра (маблағлар тушумининг натурал шакли бўйича) уй хўжаликлари даромадларининг бу гуруҳига натурал шаклдаги ижтимоий трансфертларни ва иш берувчи томонидан тақдим этилган натурал кўринишдаги имтиёзларни ҳам киритиш мумкин. Бироқ молиявий нуқтаи назардан, бу маблағлар уй хўжаликларининг ўз-ўзини таъминлаш функциясини ифодаловчи натурал даромадлар бўлолмайди ва улар пул маблағларининг камёблиги шароитида компенсацион инструментлар сифатида хизмат қилади.

Умуман олганда, уй хўжаликларининг жами даромадларида натурал даромадларнинг салмоғи унча катта бўлмаган қисмни ташкил этади. Шундай бўлишига қарамасдан, унинг даражаси алоҳида олинган уй хўжаликларининг анъаналари, устуворликлари, афзалликлари, демографик ва ижтимоий тавсифномаларига мувофиқ равишда ўзгариб туриши мумкин. Шу муносабат билан қайд этиш жоизки, аҳолининг камбағал қатламлари ва қишлоқ аҳолисида натурал даромадларнинг салмоғи анъанавий равишда нисбатан юқорироқ бўлади. Бир вақтнинг ўзида уй хўжалигининг натураллашганлиги ташқи муҳитнинг (масалан, урушлар даврида, тизимли трансформацияланиш жараёнларида ва ҳ.к.) ноқулай шартшароитларига ўзига хос тарзда мослашиш механизми ҳам бўлиб ҳисобланади.

Турли манбалар ҳисобидан уй хўжаликларининг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағларининг барча суммаси пул даромадлари дейилади.

Бозор муносабатлари тараққий этган (ривожланган) шароитда айнан пул даромадлари уй хўжаликларининг ҳаётчанлигини таъминлаш ва улар ривожланишининг асоси ҳисобланади. Уй хўжаликлари пул даромадларини таҳлил қилишнинг асоси аҳолининг шахсий даромадлари ҳисобланадики, улар қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ўлчанади:

- номинал даромадлар;
- эга бўлинган даромадлар;
- реал даромадлар.

Уй хўжалиги аъзоларининг маълум даврдаги шахсий даромадлари мажмуининг пулдаги ифодасига номинал даромадлар дейилади. Бу кўрсаткич солиққа тортиш даражаси ва баҳолар динамикасига боғлиқ бўлмаган ҳолда даромадларни тавсифлайди. Уй хўжаликлари номинал даромадларининг ЯИМдаги салмоғи ҳар бир мамлакат миллий хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, тараққий этган мамлакатларда унинг даражаси 65-75% атрофида тебранади. Бир вақтнинг ўзида, ҳисобланган номинал даромадлар ва ҳақиқатда олинган номинал даромадлар ўртасидаги фарқни англамоқ лозим. Улар бир-бирларидан шу даврда ҳисобланган, лекин тўланмаган даромадлар, шунингдек, ўтган даврлар учун қарзларнинг қайтарилиши натижасида олинган даромадлар ўлчамига фарқланади. Иш ҳақи бўйича тўлаш муддати ўтиб кетган қарздорликнинг мавжуд бўлиши ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар учун долзарб муаммолардан биридир.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг уй хўжалигининг ихтиёрида қоладиган даромадларнинг пулдаги ифодасига уй хўжалигининг эга бўлинган даромади дейилади. Бу даромад якуний истеъмол ва жамғариш учун мўлжалланган. Ёппасига жамига ўлчанганда эга бўлинган даромад аҳолининг ихтиёрига бо-риб тушувчи ЯИМнинг тегишли қисмига мос келади. Уй хўжаликлари эга бўлинган даромадларининг ўсиши аҳолининг молиявий имкониятларини салоҳиятли равишда кенгайтиради, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг бозор механизмларини

фаоллаштиради. Ривожланган мамлакатларда уй хўжаликлари эга бўлинган даромадларининг ЯИМдаги салмоғи 70%ни ташкил этаяпти.

Баҳолар даражасига нисбатан ўзгартирилган ҳолда эга бўлинган даромад уй хўжаликларининг реал эга бўлинган даромади дейилади. Бу кўрсаткич номинал даромадларнинг реал сотиб олиш қобилиятини ўзида акс эттиради. Унинг динамикаси эса, маълум даврдаги эга бўлинган даромадлар ва истеъмол баҳолари индекси (ёки баҳолар индексига тескари бўлган пулнинг сотиб олиш қоби-лияти индекси) ўсиш суръатларининг нисбатига боғлиқ бўлади. Агар баҳоларнинг ўсиш суръати номинал эга бўлинган даромадларнинг ўсиш тезлигидан паст бўлса, уй хўжаликларининг реал эга бўлинган даромадлари ўсади. Баҳоларнинг юқори суръатларда ўсиши шароитида реал даромадлар қисқаради. Бу нарса, ўз навбатида, аҳоли истеъмол талаби ва сотиб олиш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Бу жараён иқтисодиётнинг барча секторларидаги ишбилармонлик фаоллигига салбий таъсир кўрсатади.

Уй хўжаликларининг пул даромадлари турли манбалар ҳисобидан шаклланади ва уларнинг бюджетларига келиб тушади. Уларнинг асосийлари каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳнат ҳақи;
- ижтимоий тўланмалар;
- тадбиркорлик фаолиятидан келувчи даромадлар;
- мол-мулкдан келувчи даромадлар.

Иш ҳақининг таркибига қуйидагилар киради:

- бажарилган ишлар баҳоси, тариф ставкалари ва мансаб окладлари бўйича иш ҳақининг ҳисобланган суммалари;
- рағбатлантирувчи устама ва қўшимчалар;
- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсацион тўланмалар;
- мукофотлар ва бир марталик рағбатлантирувчи тўланмалар;
- йиллик ва қўшимча меҳнат таътилларини тўлашлар;

- сафар харажатлари;

- берилган махсус кийим-бош ва махсус овқатланишнинг қиймати ва бошқалар.

Уй хўжаликлари даромадларининг таркибий тузилмасида меҳнат ҳақи асосий ўрин эгаллайди. Шундай бўлсада бозор муносабатларига ўтилиши билан уй хўжаликлари даромадларининг таркибида унинг салмоғи бироз пасайди. Бу меҳнат муносабатлари ва молиявий муносабатлар тизимида содир бўлган сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бир томондан, қисман иш ҳақининг ўрнини босувчи ва ундан ҳаёт кечиришнинг ягона манбаи сифатидаги юклamani олиб ташловчи янги имкониятлар (масалан, молия соҳасида) ва даромадларнинг янги манбалари (масалан, тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши) пайдо бўлди.

Бошқа бир томондан эса, ишсизлик, иш ҳақининг паст даражаси, уни тартибга солишнинг етарлича самарали бўлмаган давлат сиёсати, хуфёна айланманинг ўсиши меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин, расмий равишда ҳисобга олинмаган шакллариининг пайдо бўлишига олиб келди. Иқтисодиёт тармоқлари (масалан, нефть-газ саноатида иш ҳақининг даражаси маориф ва қишлоқ хўжалигидаги унинг даражасидан бир неча баробар юқори) ва турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар (хусусан, бошқа мулкчилик соҳалари корхоналаридаги иш ҳақиға нисбатан бюджет соҳасининг корхоналарида иш ҳақи анча паст) бўйича иш ҳақининг табақаланиши ўткир муаммоға айланган.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қуйи чегараси давлат томонидан ўрнатилади (аниқланади) ва уни давлат меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал миқдори (МХТММ) деб қайд этади. МХТММнинг таркибига устамалар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўланмалар киритилмайди. Бюджет манбалари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар учун МХТММ тегишли бюджетлар ҳисобидан, бошқа субъектлар учун эса уларнинг ўз манбалари ҳисобидан таъминланади.

Бюджет соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳозирги пайтда ислоҳ қилинмоқда. Бу нарса ушбу соҳада йиғилиб қолган муаммолар билан (меҳнатга ҳақ тўлашнинг ходимлар малакаси ва улар ишларининг ҳақиқий натижалари билан кучсиз боғланганлиги, марказдан туриб бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш жараёни устидан тўлиқ назоратни амалга оширишнинг иложи йўқлиги ва бошқалар) боғлиқдир.

### **1.3. Уй хўжаликлари пул ресурсларининг самарали фаолиятида аҳоли даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик.**

Уй хўжаликлари томонидан истеъмолга, мажбурий тўловларни амалга оширишга ва жамғаришга йўналтириладиган пул маблағлари уй хўжаликлари бюджетларининг харажатлар қисмини ташкил этиб, уларнинг харажатлари дейилади. Иқтисодий адабиётларда уй хўжаликларининг харажатлари қуйидагилар бўйича классификация қилинади:

- даврийлик нуқтаи назаридан;
- харажатларнинг турлари бўйича;
- харажатларнинг функционал мўлжалланганликка боғлиқлигига кўра;
- мажбурийлик даражаси бўйича;
- тўловларнинг автономлилик характериға кўра;
- истеъмол ва жамғаришга йўналтирилаётган реал пул харажатларининг турлари бўйича.

**Даврийлик нуқтаи назаридан** уй хўжаликларининг харажатлари қуйидагиларга бўлинади:

- қисқа муддатли харажатлар;
- ўрта муддатли харажатлар;
- узоқ муддатли харажатлар.

**Харажатларнинг турлари бўйича** уй хўжаликларининг харажатлари қуйидагилардан таркиб топади:

- жорий харажатлар;

- капитал харажатлар.

Уй хўжаликларининг харажатлари **функционал мўлжалланганлигига кўра** қуйидагилардан иборат:

- шахсий истеъмол харажатлари;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- пул тўпланмалари ва жамғармалар.

**Автономлилик характериға кўра** уй хўжаликларининг харажатлари иккиға бўлинади:

- даромадларнинг кўламиға боғлиқ бўлмаган ва ҳаётий минимум даражасиға расман мувофиқ келувчи автоном харажатлар;
- даромадларнинг динамикасиға боғлиқ бўлган эластик харажатлар.

Айрим ҳолларда уй хўжаликлари харажатларининг ана шундай классификацияланиши доирасида кам эластикли харажатлар алоҳида гуруҳға ажратилади ва унинг таркибиға уй жой-коммунал хизматлари ва транспорт чиқимларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

**Реал пул харажатларининг турлари бўйича** ҳам уй хўжаликларининг харажатлари икки гуруҳдан ташкил топади:

- истеъмолға йўналтирилган харажатлар;
- жамғаришға йўналтирилган харажатлар.

Уй хўжаликларининг истеъмолға йўналтирилган харажатлари улар томонидан якуний товарлар ва хизматларни сотиб олишға сарф қилинадиган эға бўлинган даромаднинг бир қисмидан иборат. Истеъмол харажатларининг кўлами қуйидагилар боғлиқ:

- эға бўлинган даромадға;
- баҳолар даражасиға;
- истеъмолчиларнинг мол-мулкларига;
- реал фоиз ставкаларига;
- истеъмол бўйича қарздорликнинг миқдориға;
- истеъмолчиларнинг солиққа тортилиш даражасиға.

Уй хўжаликлари бюджетларидаги истеъмол харажатлари субъектив омилларга ҳам таъсирчан бўлиб, уларнинг орасидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- истеъмол қилишга бўлган интилишнинг чегараси;
- баҳоларнинг ўзгаришига нисбатан истеъмолчиларнинг кутувчанлиги;
- пул даромадлари;
- солиқлар;
- товарларнинг мавжудлиги;
- ва бошқалар.

Макроиқтисодий нуқтаи назардан уй хўжаликлари бюджетларининг истеъмол харажатлари иккита муҳим хусусиятга эга:

- биринчидан, истеъмол харажатлари ялпи маҳсулот доиравий айланиши моделида ялпи талаб ва ялпи харажатларни ташкил қилишнинг энг катта қисми ҳисобланади;

- иккинчидан, уй хўжаликлари бюджетларининг истеъмол харажатлари қисқа муддатли даврда бандлик ва инвестициялар даражасини тартибга солиш орқали таъсир этиш мумкин бўлган ялпи талабнинг нисбатан барқарор таркиб топтирувчисидир.

Уй хўжаликлари бюджетлари харажатлари таркиби, таркибий тузилмаси ва динамикасини таҳлил қилиш, одатда, аҳолининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик асосида амалга оширилади. Бу мутаносибликнингнинг умумий кўриниши қуйидагича бўлиши мумкин.

#### **Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик**

| <b>Даромадлар</b>                                                                                                                                                                                                                                      | <b>Харажатлар ва жамғармалар</b>                                                                                                                                                                                                                                                |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Меҳнатга ҳақ тўлаш<br>2. Меҳнат ҳақидан бошқа корхона ва ташкилотлардан олинадиган ёлланма ишчиларнинг даромадлари<br>3. Дивидендлар<br>4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинадиган тушумлар<br>5. Пенсия ва нафақалар<br>6. Стипендиялар | 1. Товарларни сотиб олиш ва хизматларни тўлаш<br>1. Мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадаллар:<br>а) солиқлар ва йиғимлар;<br>б) суғурта бўйича тўловлар;<br>в) жамоатчилик ва кооператив ташкилотларга бадаллар;<br>г) ссудаларни қайтариш;<br>д) лотерея чипталарини сотиб олиш; |

|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                                                  |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 7. Молия тизимидан олинадиган тушумлар (суғурта қопламалари, омонатларнинг фоизлари, лотерея ютуқлари ва б.)<br>8. Хорижий валюта сотишдан келган аҳолининг даромадлари<br>9. Бошқа тушумлар<br>а) коммиссион магазинлар орқали буюмларни сотиш<br>б) чиқинди ашё, металл ва бошқаларни сотиш<br>10. Ўтказмалар бўйича олинган пуллар | е) товар кредити учун фоизлар;<br>ё) пенсия фондларига суғурта бадаллари;<br>3. Омонатлар ва қимматли қоғозлардаги жамғармаларнинг ўсиши<br>4. Уй-жой биноларини сотиб олиш<br>5. Хорижий валютани сотиб олиш бўйича аҳоли харажатлари<br>6. Ўтказмалар бўйича жўнатилган пуллар |
| Жами<br>пул даромадлари                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Жами пул харажатлари ва<br>жамғармалар                                                                                                                                                                                                                                           |
| Харажатларнинг даромадлардан<br>ошиши                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | Даромадларнинг харажатлардан<br>ошиши                                                                                                                                                                                                                                            |
| <b>Баланс</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | <b>Баланс</b>                                                                                                                                                                                                                                                                    |

Уй хўжаликлари бюджетлари харажатлари ҳисобидан товарларни сотиб олиш ва хизматларни тўлаш (истеъмол харажатлари) ўз ичига қуйидагиларни олади:

- уй-жой ва коммунал хизматларни, маиший хизматларни, маориф тизими хизматларини тўлаш;
- дам олиш уйлари, санаторийлар, туристик йўлланмалар харажатлари ва тиббий хизматларни тўлаш;
- кино, театр ва бошқа томошалар харажатлари;
- йўловчи транспортнинг барча турларини тўлаш харажатлари;
- алоқа хизматларини тўлаш;
- қолган бошқа хизматларни тўлаш.

Мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадаллар уй хўжаликлари бюджетлари харажатларининг муҳим элементи ҳисобланади. Бу харажатлар, ҳозирги шароитда, ўсиш тенденциясига эга бўлиб, улар қуйидаги омиллар билан боғланган:

- биринчидан, аҳоли тадбиркорлик ташаббусининг кенгайиши яқка тартибдаги тадбиркорларнинг хўжалик ва савдо фаолиятидан олинадиган

солиқ, бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимларнинг ҳам кенгайиши билан кузатилмоқда;

- иккинчидан, суғурта тизимининг ривожланиши, нотижорий секторнинг ўсиши (масалан, турли жамоатчилик ташкилотлари, бирлашмалари ва иттифоқлари), бир томондан, суғурта бўйича бадалларни оширса, иккинчи томондан, нотижорий ташкилотларга ажратмаларни кўпайтиради;

- учинчидан, истеъмол ва ипотека кредитининг ривожланиши уй хўжаликлари бюджетларининг харажатларида “ссудаларни қайтариш” ва “товар кредити бўйича фоизлар” моддаларининг оширилишига олиб келади.

Суғурта бозорининг интенсив ривожланиши, банк хизматлари амалиётида истеъмол кредити ва у билан боғлиқ бўлган операцияларнинг кенгайиши натижасида келажакда уй хўжаликлари бюджетлари харажатларининг бу йўналишлари фақат ўсиш тенденциясига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, молиявий бозорнинг ривожланиши ва пенсия тизимининг ислоҳ қилиниши уй хўжаликлари бюджетларида “пенсия фондига суғурта бадаллари” харажатлар моддасининг ҳам ўсишига олиб келади.

Уй хўжаликлари бюджетлари харажатлар қисмининг мажбурий тўловларида солиқлар ва йиғимлар каттагина ҳиссани ташкил этади. Уй хўжаликлари даромадларининг солиққа тортилиши улар реал даромадларини қисқартиради. Шундай бўлишига қарамасдан, давлат молиясининг тақсимлаш функцияси доирасида жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мулкидан олинadиган солиқлар муҳим вазифаларни ечишга хизмат қилади. Биринчидан, бу солиқлар мамлакат бюджет тизимининг турли бюджетлари даражаларида даромадларнинг етарли тушишини таъминлайди. Иккинчидан, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқлар олинган даромадлардан рационал фойдаланишни рағбатлантириш ва уларни шакллантириш йўллари билан уй хўжаликлари бюджетларининг таркибий тузилмасига ўз таъсирини кўрсатади. Учунчидан, солиқлар воситасида

даромадларнинг бир қисми жамият ва уй хўжаликларининг ижтимоий муаммоларини ечиш учун қайта тақсимланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ мамлакат фуқаролари даромадларидан, мол-мулкидан (шу жумладан, ер солиғи ва ер учун ижара ҳақи) солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимлар (масалан, маъмурий жарималар, жисмоний шахслардан олинадиган хилма-хил маҳаллий йиғимлар) ва давлат божларини тўлайди. Бир вақтнинг ўзида, уй хўжаликларининг реал даромадларига, аҳоли даромадлари ва харажатларининг балансида мажбурий тўловлар сифатида ҳисобга олинмайдиган билвосита солиқлар ҳам ўзининг таъсирини кўрсатади. Чунки бу солиқлар (акцизлар, қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва бошқалар) товар баҳосининг таркибида бўлиб, улар товар сотиб олинаётганда тўланади. Товарлар баҳосининг даражасини фақат билвосита солиқлар ошириб қолмасдан, балки айрим бевосита солиқлар (ягона ижтимоий солиқ, корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ, ташкилотларнинг молмулкидан олинадиган солиқ ва бошқалар) ҳам оширадики, улар ҳам қисман ёки тўлиқ товарлар баҳоси орқали компенсация қилинади.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси харажатлар қисмининг бошқа моддалари (“омонатлар ва қимматли қоғозлардаги жамғармаларнинг ўсиши”, “хорижий валюталарни сотиб олиш бўйича аҳоли харажатлари” ва бошқалар) жамғариш жараёни доирасида уй хўжаликларининг молиявий муносабатларини акс эттиради.

Барча мажбурий харажатлар амалга оширилганидан, зарурий товарлар ва хизматлар сотиб олинганидан сўнг қолган бўш пул маблағлари уй хўжаликларининг жамғармаларини ташкил этади. Жамғармалар, кечиктирилган истеъмол демакдир. Уй хўжаликлари жамғармалари ташкил топиши жараёнининг асосида эҳтиёжнинг амалда мавжуд бўлган даражаси ва уларни қондиришнинг иложи йўқлиги ўртасидаги зиддият ётади. Эҳтиёжлар

даражасини қондиришнинг ташқи чекловчиси товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имкониятининг чекланганлиги ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти барқарор ривожланган мамлакатларда уй хўжаликларининг жамғармаларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Чунки иқтисодий ўсиш инвестицияларнинг муҳим манбаи бўлган жами жамғармаларнинг даражаси билан узвий боғланган. Ўз навбатида, жамғармаларнинг мавжудлиги эса мамлакат бойлигининг белгиларидан биридир. Жамғарма муносабатлари соҳасида қуйидаги кўп томонлама алоқалар, манфаатлар ва мақсадлар вужудга келади ва қўшилиб кетади:

- такрор ишлаб чиқариш алоқалари, манфаатлари ва мақсадлари. Бунда жамғармалар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим таркибий қисми сифатида майдонга чиқади;

- уй хўжаликлари жамғармаларининг айланиши ва миллий иқтисодиёт молия-банк секторининг фаолият кўрсатиши билан боғланган пул-молиявий алоқалар, манфаатлар ва мақсадлар;

- аҳоли турмуш даражасининг ўсишига йўналтирилган ижтимоий алоқалар, манфаатлар мақсадлар.

Уй хўжаликларининг жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг параметрлари, мувозанат ва тараққиётнинг умумий макроиқтисодий нисбатлари билан белгиланади. Жамғармаларнинг динамикасига аҳоли номинал ва реал даромадларининг ўсиш суръатлари, инфляция, якуний истеъмолга мўлжалланган харажатларнинг ўзгариши таъсир кўрсатади. Уй хўжаликлари жамғармаларининг ўсиши, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш инвестицион фаолликни ошириш, иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиши муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган давлат макроиқтисодий ва молия-кредит сиёсатинининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жамғармаларни қуйидаги турли белгиларга кўра классификация қилиш мумкин:

- жамғариш жараёнининг мақсадларига кўра;
- сабаблари нуқтаи назаридан;
- жамғармаларни аккумуляция қилиш (тўплаш) шакллари бўйича.

**Жамғариш жараёнининг мақсадларига кўра** жамғармаларни куйидагиларга ажратиш мумкин:

- жорий жамғарма фондлари (узок муддат фойдаланишга мўл-жалланган товарларни сотиб олиш);
- суғурта жамғарма фондлари;
- инвестицион жамғарма фондлари.

Жамғармаларнинг жорий фондлари қисқа муддатли характерга эга, нақд маблағларни кўшиб олган ҳолда, юқори ликвидли активларда жамғарилади.

Суғурта жамғарма фондлари кўзда тутилмаган ҳолатлар ва қарилик учун мўлжалланган жамғармалардан иборат бўлиб, улар узок муддатли хисобланади ва уларни жамғариш жараёни тугамагунга қадар камрок ликвидли бўлиши мумкин.

Инвестицион жамғарма фондлари истеъмол эҳтиёжларига мўлжалланмайди. Уларнинг бош мақсади даромад келтирувчи активларни инвестиция қилишдан иборатдир.

Сабаблари нуқтаи назаридан уй хўжаликларининг жамғармалари мотивлаштирилган ва мотивлаштирилмаган бўлиши мумкин. Бу классификацияга мувофиқ мақсадли жамғармалар мотивлаштирилган жамғармалар сифатида талқин қилинади. Бироқ жамғармаларнинг сабабларини ҳамма вақт ҳам аниқлашнинг иложи бўлмаслиги мумкин. Улар эҳтиёжнинг даражасига нисбатан қиёслаганда тўловга лаёқатлилиқ имкониятининг ошиши ва ишлаб чиқаришнинг имкониятлари натижасида вужудга келиши мумкин. Бундай жамғармалар мотивлаштирилмаган жамғармалар дейилади. Агар тўловга лаёқатли талаб ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси тизимли характерда бир-бирига мос келмаса, улар мажбурий жамғармалар номини олиши мумкин.

**Аккумуляция қилиш шакллари бўйича** жамғармаларни ташкил қилинмаган ва ташкил қилинган шаклларга ажратиш мумкин. Нақдиналар (нақд пуллар) шаклида уй хўжаликлари бўш пул маблағларининг жамғарилиши жамғармаларнинг ташкил қилинмаган шакли ҳисобланади. Агар жамғармаларни аккумуляция қилиш молиявий бозор инструментларига жойлаштириш, шу жумладан, банк омонатлари ва бошқа инвестицион институтлари ёрдамида амалга оширилса, уй хўжаликлари жамғармаларининг бундай шакли ташкил қилинган жамғармалар дейилади. Жамғармаларнинг ташкил қилинмаган шакллари устувор тарзда пулли шаклда бўлса, уларнинг ташкил қилинган шакллари қуйидаги турлича кўринишларда намоён бўлиши мумкин:

- маблағларни ишлаб чиқаришга бевосита жойлаштириш (масалан, корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва иштирок этиш салмоғини сотиб олиш шаклида, кўчмас мулк сотиб олиш ва бошқалар);

- маблағларни ишлаб чиқаришга билвосита жойлаштириш. Бунда маблағларни тўплаш (аккумуляция қилиш) ва уларни жойлаштириш билан ихтисослаштирилган молиявий институтлар шуғулланади. Бунга мисол тариқасида давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш, банк депозитлари, инвестицион фондларнинг ҳиссасини сотиб олиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда уй хўжаликларида маблағларни жамғариш жараёни, маълум даражада, зиддиятли ҳисобланади. Бир томондан, кейинги йилларда унда баъзи бир ижобий тенденциялар кўзга ташланаяптики, хусусан, улар қуйидагиларда намоён бўлаяпти:

- кейинги йиллар давомида уй хўжаликларига тегишли бўлган молиявий активларнинг абсолют ўсиши бир неча мартага ошди;

- ташкил қилинган жамғармалар абсолют ва нисбий жиҳатдан ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган;

- мамлакатда тегишли инвестицион муҳит мавжуд бўлса, жамғармаларга эга бўлган ва уларни инвестицияларга жойлаштириши мумкин бўлган уй хўжаликларининг гуруҳлари шаклланди;

- уй хўжаликлари жамғармаларини инвестицияларга трансформация қилувчи молиявий воситалар кенгаймоқда: ипотекавий кредитлаштириш ривожланаяпти; инвестицион фондлар, нодавлат пенсия фондлари, суғурта компаниялари фаол фаолият кўрсатаёпти;

- тижорат банклари (шу жумладан, “Халқ банки” ва бошқа банклар) ўртасидаги рақобатнинг кучайиши аҳоли маблағларини жалб қилиш шакллари ва методларининг ривожланишига ўз ижобий таъсирини кўрсатди: тақдим этиладиган хизматлар доираси кенгайди, омонатларнинг янги турлари ишлаб чиқилди ва бошқалар;

- жисмоний шахслар омонатларини қисман компенсация қилишни кўзда тутувчи шахсий омонатларни мажбурий суғурта қилиш тизимининг яратилиши банк тузилмаларига бўлган ишончнинг ўсишига ўз таъсирини кўрсатади ва уй хўжаликлари жамғармалар ташкил қилинган шакллариининг имкониятларини кенгайтиради;

- жамғарма жараёнларида фойдаланиладиган молиявий инструментлар даромадлигининг бир-бирига яқинлашуви янги молиявий пирамидаларни яратиш йўлига тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Жамғармалар ўзларининг инвестицион салоҳиятини тўлиқ амалга оширмаёпти ва уй хўжаликлари даромадларининг қўшимча манбаларига тўлиқ айланмаяпти. Бунинг устига, шўролар давридан кейинги йилларда уй хўжаликлари жамғарма фондларининг ўсиши истеъмол фонди ҳисобидан, яъни даромадлар таркибий тузилмасининг сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида эмас, балки истеъмолнинг иқтисод қилиниши ҳисобидан амалга оширилаётир.

Жамғариш жараёнининг соғломлаштирилиши иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа ривожланишини мувозанатлаштириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш билан узвий боғланган. Бу нарса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш

ва истеъмор, даромадларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, молия пул муомаласи соҳаларидаги сақланиб қолган номутаносибликларга барҳам берилишини тақозо этади.

## **II-бoб. ЎЗБЕКИСТОНДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ПУЛ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ.**

### **2.1. Мамлакатимизда уй хўжаликлари даромадлари таркибини самарали шакллантириш учун олиб борилаётган тадбирлар.**

Ҳозирги кунда Республикамизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш бўйича бир қанча чора – тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Буларнинг орасида аҳоли даромадлари таркибини самарали шакллантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора – тадбирлар мажмуаси диққатга сазовордир. Аҳоли даромадларининг таркибини самарали шакллантириш бўйича бир нечта йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Булардан энг асосийлари солиқ юкини камайтириш орқали аҳоли даромадлари миқдорини кўпайтириш, ижтимоий қўллаб – қувватлаш орқали даромадлар тенгсизлигини камайтириш, бандликни ошириш бўйича чора – тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тасдиқланган давлат бюджетида ялпи солиқ юкини 1,2 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини эса 2010 йилдаги 7 фоиздан 2011 йилда 6 фоизга тушириш мўлжалланган<sup>12</sup>.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, аҳоли даромадлари ҳажмини кўпайтиришга йўналирилган. Аҳолидан олинадиган солиқ турларининг ставкалари йилдан йилга камайтирилмоқда.

Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан янги таҳрирдаги Солиқ кодекси кучга кирди. Мазкур кодексга бир қанча ўзгартиришлар киритилиб, асосан

---

<sup>12</sup> Ислom Каримов “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2011й 22 январь.

хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилди. Кодекснинг мамлакатимиз ижтимоий – иқтисодий тараққиётини таъминлаш, барқарор ўсиш суръатларини рағбатлантиришга ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

2010 йил учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг кам ойлик иш ҳақининг олти баробаригача бўлганлар учун 11 % этиб белгиланди. 2011 йилда ушбу солиқ тури ставкаси 10 % ни ташкил этган бўлиб, бу жорий йилдагига нисбатан 1 % камроқдир<sup>13</sup>. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолиси қўлида йиллик тахминан 300 млрд. сўмлик маблағ тежалиб қолинади.

Мамлакатимиздаги солиқ тизимининг соддалаштирилиши ва унификация қилиниши, солиқ юкининг янада камайтирилиши натижасида солиқ тўловчилар ихтиёрида қолган маблағлардан самарали фойдаланиш аҳоли даромадлари ва бандлик даражасини ошириш орқали харид талабининг жадал ўсишини таъминлашга эришилади.

2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, иқтисодиётимизга жаҳонда кечаётган молиявий – иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларида солиқ сиёсатидан ҳам самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Солиқ тизимидаги ислохотларнинг иқтисодий ўсишда юқори даражага эришиш вазифаси, ўз навбатида, истеъмол талаби ошишини, бу эса барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган пул даромадларининг мос равишда ўсишини талаб қилади. Шунинг учун молиявий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш ва юридик ҳамда жисмоний шахслар даромадларини жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш учун шароит яратиш солиқ сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

---

<sup>13</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосан.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бу ижтимоий сиёсатни юритишдир. Янгиланган ижтимоий сиёсат адолат тамойилларига изчиллик билан риоя қилишга асосланиб, ижтимоий кўмаклашишнинг мавжуд усуллари ва пул таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Бу сиёсат ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олишни кўзда тутди. Ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланилиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги шуғулланади. Мазкур ташкилот ва жойлардаги бўлинмаларига аҳолини айрим гуруҳлари учун имтиёзлар, кафолатлар белгилаш ва моддий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фуқароларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, касб ва меҳнат соҳасини эркин танлаш бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар бирини меҳнат фаолияти шаклини эркин танлаш ҳуқуқи, ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан зарур даражада таъминлаши, оиласининг фаровонлиги, соғлом авлодни камол топтириш йўлидаги вазифаси учун жавобгар шахс бўлиши керак;

- ижтимоий муҳофазалаш аниқ ва мақсадли йўналтирилган бўлиши керак. Аҳолининг турли қатламларига алоҳида-алоҳида ёндашиш ижтимоий муҳофаза янги тизимининг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоғи лозим;

- аҳолини ижтимоий муҳофазалаш чора-тадбирлари тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишига ўз

меҳнати билан оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароитни яратиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистонда нафақахўрларни ижтимоий муҳофазалашни кучайтиришга йўналтирилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, қонун пенсиялар миқдорининг ижтимоий суғуртага берилган бадалларга боғлиқлигини кучайтиради ва шу орқали пенсия қонунчилигини ривожланган мамлакатлар стандартларига яқинлаштиради. Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизимида болалар ва кам даромадли оилалар ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар ҳисобланиб, улар учун ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар фақат маҳалла орқали етказиб берилади. Шу мақсадда маҳаллаларда бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинади.

Ногиронлар аҳолининг энг заиф тоифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ногиронларга ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси “Ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва “Ногиронларни реабилитация қилиш давлат дастури”да белгилаб берилган. Дастурда ногиронлар учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилган. Мамлакатда Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўрлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ва бошқа ижтимоий жамиятлар иувафақиятлрт ишлаб турибди. Бу жамиятлар ўз корхоналарида ногиронлар меҳнатини ташкил этади ва уларга фақат қўшимча даромад олиш эмас, балки меҳнат фаолиятига қўшилиш, ўзининг жамиятга зарурлигини ҳис этиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга бошқа йўллар билан ҳам иқтисодий кўмак берилмоқда. Президентимиз И. А. Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида қуйидаги мисоллар келтирилган: “Маълумки, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни бепул сигир

ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан ҳозирга қадар ана шундай оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди. Натижада 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1 миллион 100 мингдан кўпроқни ташкил этди. Шулардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилди”<sup>14</sup>.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизими меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситалар янги тузилмаси пайдо бўлишини тақозо қилади. Шундай қилиб, ислохотлар даврида давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи кишилар учун тенг шароит ва қулай имконият яратишга ҳаракат қилади. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида, умуман, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандлик ва ишсизликни қисқартириш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, ҳукумат ишсизларнинг ижтимоий ҳимоясини, ишсизликнинг барқарорлигини таъминлаб, сўнгра бандликнинг ўсишини рағбатлантиришга киришиш мумкин. Бандликнинг ўсишини рағбатлантириш уч йўналишда амалга оширилиши мумкин<sup>15</sup>:

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, масалан, янги иш жойлари яратилганда солиқ имтиёзларини бериш, ишсизларнинг иш излашларини фаоллаштириш;

- ишчи кучи таклифини рағбатлантириш;

- ўз-ўзини банд қилишни рағбатлантириш.

<sup>14</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. □ Т.: Ўзбекистон, 2009 й

<sup>15</sup> Абулқосимов.Ҳ.П. илмий таҳрири остида. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. (ўқув қўлланма) Т.: Академия, 2007

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг кескин ўсиб бориши давлат томонидан бандликни таъминлашнинг оптимал дастурини ишлаб чиқиш ва молиялаштиришни талаб қилади. Республикада ҳар бир ҳудуд ўзига ҳос аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар бири учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Давлат томонидан яратилган ишчи ўринлар самарадорлик даражаси паст бўлишини амалиёт исботлаб турибди. Шунини эътиборга олиб, бу борада давлат фақатгина стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишда кичик ва хусусий бизнес корхоналарини молиявий ресурслар билан таъминлаш етарли деб эътироф этилади.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш масаларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, юримизда касаначиликнинг жорий этилиши натижасида аҳолининг катта қисми уйда ўтирган ҳолда расмий иш билан таъминланмоқда. Республикада ишсизликнинг юзага келишига саноат корхоналарининг рақобат муҳитига мослашиши қийинлиги туфайли банкрот бўлиши, аҳолининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қилиши ва қишлоқларда саноат корхоналарининг камлиги, ишчи кучи таклифи ва талаби ўртасидаги мутаносибликнинг йўқлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда иш билан бандликни тартибга солишда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги тадбирларни киритиш мумкин:

- мамлакатдаги иқтисодий вазиятни соғломлаштириш, инвестицион фаолликни раҳбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш;

- иқтисодиётнинг нодавлат секторларини ривожлантириш ва уни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, кичик бизнес ва ўз-ўзини иш билан банд қилишни қўллаб-қувватлаш;

- иш билан бандликнинг соғлом тузилмасини яратиш мақсадида касбий ўқитиш, қайта тайёрлаш ва маслаҳат беришни таъминлаш.

Кўриниб турибдики, бу вазифаларни амалга ошириш бугун ҳам, келажакда ҳам муҳим омил бўлиб, ишсизлик даражасининг камайишига имкон беради.

Мамлакатимизда турли жамоат, ноҳукумат ташкилотлари ва фондларнинг ташкил этилиши, мамлакатимиз демократик тараққиёт йўлидан бораётганлигининг ёрқин далилидир, уларнинг ҳар бири аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш ва уларнинг даромадларини ошириш масалаларида ўз хиссасини қўшмоқда. Масалан, “Соғлом авлод учун” фонди оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллат генофондини яхшилаш, жисмоний, ақлий ва руҳий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш масалалари билан шуғулланиб, ўз дастурларини амалга ошириш орқали муносиб улуш қўшиб келмоқда.

## **2.2. Инвестиция фаолиятини жадаллаштиришда уй хўжаликлари активларининг роли.**

Уй хўжаликлари жаҳондаги ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Унинг самарали фаолият кўрсатиши иқтисодий ўсишнинг сифатига ва ижтимоий фаровонликнинг даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда Ўзбекистонда уй хўжаликлари молияси масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли даромади фаровонлигини ошириш борасида сифат жиҳатдан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари ошиб бормоқда, унинг харид қуввати муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулот таркибининг сифати ошмоқда. Биргина 2010 йилда бюджет соҳаси муассасаларини ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1.3 баробардан ошди. Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган

даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда замонавий уй хўжаликлари молиясини барпо этиш мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок бошланган эди. Бу нарса мамлакат иқтисодиёти олдида жуда кескин ўзгаришларни амалга ошириш шароитида содир бўлиб, улар ўз навбатида, уй хўжаликлари молиясининг олдида турган биринчи даражали вазифаларни ҳам аниқлаб берди. Уларнинг орасида уй хўжаликларини хўжалик юритишнинг бозор шароитларига мослаштириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва миллий иқтисодиётда инвестицион фаолиятни рағбатлантириш алоҳида ўрин эгаллайди.

Уй хўжаликлари активлари муҳим инвестиция ресурсларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 5 млн дан ортиқ уй хўжаликлари мавжуд бўлиб, 2003-2010 йиллар давомида уй хўжаликлари активларининг умумий қиймати 3 марта ортди. 2003 йилда уй хўжаликларининг умумий активлари ўртача ҳар бир хўжаликка 6400 долларни яъни умумий ҳажмда 35 млрд долларни ташкил этган бўлса, бу ҳозирги патда ўртача ҳар бир хўжаликка 17000 доллар атрофида яъни умумий миқдорда 87 млрд долларни ташкил этмоқда<sup>16</sup>.

Тарихий нуқтаи назардан истиқлолимизнинг қисқа йилларида уй хўжаликлари молияси масалаларида жуда катта ютуқларга эришилганига қарамасдан, бу ерда ҳамон талай муаммолар мавжуд. Уй хўжаликлари молиясининг энг муҳим таркибий қисми ва марказий бўғини ҳисобланган уй хўжаликлари бюджети даромадларининг жуда мураккаб тарзда ва катта қийинчиликлар эвазига шакллантирилаётганлиги, уй хўжаликлари жамғармаларини маълум бир меъёрлар даражасида ушлаб туришнинг зарурлиги, ҳамма вақт ҳам уй хўжаликлари активларидан самарали фойдаланилмаётганлиги ана шундай муаммолар қаторига киради.

---

<sup>16</sup> Экономическое обозрение 2010 г., №3, стр. 20-21.

Ҳозирги кундаги уй хўжаликлари активларининг ҳаракатини таҳлил қиладиган бўлсак, фойдаланилмаётган имкониятлар анчагина эканлигини англаб олиш мумкин. Масалан: 70 % атрофидаги уй хўжаликлари сўнги 5 йил мобайнида банкка мурожат қилмаганлар, 39% уй хўжаликлари эса уларнинг яшаш пунктларида банк ёки банкнинг бўлимлари борлиги ҳақида маълумотга эга эмаслар, банклардаг уй хўжаликларининг депозитлари анчагина кам улушда, банк активлари ва мулкдан олинadиган даромад уй хўжаликлари умумий даромадларининг арзимас қисмини ташкил этади, 35% оилаларнинг жамғармалари у ёки бу формада тақсимланган, яъни 24% оилалар банкда сақланмаётган нақд пул жамғармаларига эгалар, қимматбаҳо буюм кўринишидаги қийматликлар эса 11% ни ташкил этади, 20% оилалар банкларда сақлаш учун етарли жамғармага эгалар. Уларнинг 45% бу жамғармаларни уйда сақлашни афзал кўрсалар, 45% дан кўпроқ қисми эса бу жамғармаларни турар жой ёки товарларга қўйишни афзал<sup>17</sup>.

Банклар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида қулайликлар яратиш мақсадида амалга ошириб келинаётган бир қатор чора-тадбирлар ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топмоқда.

Президентимиз «Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор»<sup>18</sup>, деб таъкидлаб ўтган эди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини кредит ташкилотларининг депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш чоралари кўриляётгани, қулай омонат турлари таклиф этиляётгани, уларнинг банклардаги жамғармалари

---

<sup>17</sup> Экономическое обозрение 2010 г., №3, стр. 20-21.

<sup>18</sup> Ислон Каримов “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2011й 22 январь.

конун билан кафолатлангани ва ўз вақтида қайтарилаётгани омонатлар миқдорининг 2009 йилга нисбатан 52,6 фоиз ошиб, ҳозирга кунда 4,4 триллион сўмга етишига пухта замин яратди. Бу фуқароларимизнинг банк тизимига бўлган юксак ишончидан далолат беради.

Айниқса, бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, банк тизимида аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан пластик карточкалардан фойдаланишни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб борилди.

Ўз навбатида, пластик карточка ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ўтказмалар ҳажми йилдан-йилга юқори суръатларда ошиб бориши кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 7,9 миллион донадан ошиб кетди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони эса 85 минг 741 тага етди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан банк тизимида пластик карточкалар миқдорини ошириш ва аҳолининг пластик карточкалар билан ҳисоб- китобларни амалга оширишини рағбатлантириш борасида бир қанча қулайлик ва имтиёзлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли Қарорининг 1-банди, 2-хатбошисига мувофиқ, банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2010 йилнинг 1 январигача банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш учун импорт

килинадиган хомашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахсларнинг жалб этиладиган депозитлари бўйича мажбурий захиралари нормаларининг табақалаштирилган қуйидаги ставкаларини татбиқ этишни кўзда тутган:

- муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича - умумжорий этилган нормаларнинг 80 фоизи миқдорида;
- муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича - умумжорий этилган нормаларнинг 70 фоизи миқдорида.

Қуйидагилар:

- тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортилишдан;
- тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобидан ундириб олинадиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;
- лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилди.

Шу тариқа ҳозирги кунда мамлакатимиз банклари томонидан миждозларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва миждозлар ишончини янада ошириш борасида мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Уй хўжаликлари жамғармаларининг инвестиция ресурслари сифатида жалб қилиниши, нафақат ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, балки миллий даромаднинг кўпайишига, фаровонликни ошишига ва уй хўжаликлари яшаш сифатининг яхшиланишига сабаб бўлади. Ўз

активлари ва жамағармалари орқали инвестицион жараёнга жалб қилинган аҳоли мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади.

### **2.3. Аҳолини иш билан таъминлаш - уй хўжаликлари пул даромадларини кўпайтиришнинг асосий омили.**

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боради. Чунки, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида ишчи кучининг ортиқчалиги мавжуд ва меҳнат бозорида таклиф талабдан юқоридир. Шу боис ишлашни хоҳловчиларнинг меҳнат бозорида эркин ҳаракат қилиши ва мустақил иш билан таъминланиши учун давлат фуқароларга иш билан таъминлаш турини, шу жумладан, турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини; ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни; мақбул ишни танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни; ҳар кимга касб ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни; янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни; бошқа жойга ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни кафолатлайди.



**2.3.1-расм. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлашнинг яхлит тизими.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги қатор чора-тадбирлар кўриляпти:

1. Меҳнат қонунчилиги тобора такомиллаштирилиб, жойлардаги Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолияти кучайтирилмоқда;
2. Янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар бериляпти;
3. Меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилди;
4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда;
5. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди. Масалан, 2010 йилда 208 минг нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар ва шу каби тоифа аҳоли вакиллари иш билан таъминланди;
6. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва

жамоат ишлари ташкил этиляпти.

7. Ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда (2.3.1-жадвал).

### **2.3.1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигининг ўсиш суръати(минг. киши)**

| <b>Кўрсаткичлар</b>                    | <b>Й и л л а р</b> |             |             |             |             | <b>2010<br/>йилда<br/>2005<br/>йилга<br/>нисбатан<br/>ўзгариши,<br/>фоизда</b> |
|----------------------------------------|--------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|--------------------------------------------------------------------------------|
|                                        | <b>2005</b>        | <b>2006</b> | <b>2008</b> | <b>2009</b> | <b>2010</b> |                                                                                |
| <b>Жами аҳоли сони</b>                 | 26167,0            | 26488,2     | 27555,3     | 28000,8     | 28466,4     | 108,7                                                                          |
| <b>Меҳнат ресурслари сони</b>          | 14453,2            | 14816,5     | 15644,9     | 16123,6     | 16504,2     | 114,2                                                                          |
| <b>Шундан:</b>                         |                    |             |             |             |             |                                                                                |
| <b>Иқтисодий фаол аҳоли сони</b>       | 10224,0            | 10492,5     | 11603,1     | 11929,2     | 12286,6     | 120,1                                                                          |
| <b>Иш билан банд бўлган аҳоли сони</b> | 10196,3            | 10467,0     | 11035,4     | 11327,7     | 11628,4     | 114,0                                                                          |
| <b>Иқтисодий нофаол аҳоли сони</b>     | 4229,2             | 4324,0      | 4041,8      | 4186,4      | 4217,6      | 99,7                                                                           |


Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2005-2010 йиллар давомида мамлакатимизда аҳоли сони 8,7, меҳнат ресурслари сони эса 14,2 фоизга ўсиб, 2010 йил меҳнат ресурслари умумий аҳоли сонининг 58 фоизини ташкил қилди. Республикада меҳнат ресурсларининг йиллик ўртача ўсиш суръати 3,0-3,5 фоизга тўғри келмоқда. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг 98,5-99 фоиз қисми меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳолидан ташкил топса, қолган 1-1,5 фоизи ишлаётган ўсмир ва пенсионерлардан иборатдир.

2010 йилда иш билан бандлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 94,6 фоизни, меҳнат ресурсларига нисбатан эса 70,5 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг нодавлат ва давлат секторларида иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин кўпайиб бормоқда

**2.3.2-расм. Иқтисодиётнинг нодавлат ва давлат секторларида иш билан банд бўлган аҳоли сони.**



Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2.3.2-расмдан кўриш мумкинки, 2007-2010 йиллар давомида иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги бандларнинг ўртача сони 11,1 фоизга ортган, аксинча давлат секторида банд бўлганлар сони 1,6 фоизга камайган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган йилларда давлат секторида банд бўлганлар улуши 22,1 фоиздан 20,0 фоизга камайган, нодавлат секторда бандлар улуши 77,9 фоиздан 80,0 фоизга ортган.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, асосий эътибор республикада саноат тармоқларини ривожлантириш, хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, қишлоқ жойларда саноат корхоналарини барпо этиш ва ишлаб чиқариш кучларини қайта тақсимлашга қаратилди. Ушбу чора-тадбирлар юзасидан амалга оширилган ишлар

натижасида аҳоли бандлигининг тармоқлар бўйича таркибий тузилмасида ижобий ўзгаришлар бўй берди (2.3.2-жадвал).

### 2.3.2-жадвал

#### Аҳоли бандлигини иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоли (фоиз ҳисобида)

| Иқтисодиёт тармоқлари                                                 | 2008<br>йил | 2009<br>йил | 2010 йил |
|-----------------------------------------------------------------------|-------------|-------------|----------|
| Жами банд бўлганлар                                                   | 100,0       | 100,0       | 100,0    |
| <i>шундан:</i>                                                        |             |             |          |
| Саноатда                                                              | 13,4        | 13,4        | 13,2     |
| Қишлоқ ва ўрмон хўжалигида                                            | 27,6        | 26,7        | 25,5     |
| Қурилишда                                                             | 8,5         | 8,9         | 9,1      |
| Транспорт ва алоқада                                                  | 5,0         | 5,1         | 5,2      |
| Савдо ва сотиқ, умумий овқатланиш,<br>тайёрлашда                      | 10,3        | 10,5        | 10,7     |
| Турар жой коммунал хўжалигида<br>аҳолига хизмат кўрсатиш<br>турларида | 3,3         | 3,4         | 3,5      |
| соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва<br>ижтимоий таъминотда            | 7,6         | 7,6         | 7,7      |
| таълим, маданият, санъат,<br>фанваиллий хизмат кўрсатишда             | 13,9        | 13,9        | 13,9     |
| бошқа соҳаларда                                                       | 10,4        | 10,5        | 11,2     |

Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалда келтирилганидек, иқтисодиёт тармоқлари ичида саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлган аҳоли улуши камайган, қолган тармоқларда эса ортган. Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда кенг бунёдкорлик ишларининг жадал амалга оширилиши натижасида қурилиш тармоқларида меҳнат қилаётганлар улуши юқори суръатларда кўпаймоқда. Бу ҳолатни, айниқса, қишлоқ жойларда яққол кўриш мумкин, чунки қурилиш соҳасида банд бўлган қишлоқ аҳолиси сони 1991 йилга нисбатан 2,4 мартага ўсди.

Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини

ривожлантириш ҳамда бандлик масалаларини ҳал этишда меҳнат органлари масъулиятини янада кучайтириш мақсадида 2009 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1251-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг бугунги иқтисодий эркинлаштириш шароитидаги янги вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу тизимга тегишли таркибий ўзгартиришлар ҳам киритилди. Жумладан, туман (шаҳар) меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларини бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига айлантириш ҳамда йирик маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида аҳолини ишга жойлаштириш бўйича стационар пунктлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу марказлар аввалги бўлимлардан тубдан фарк қилиб, ишсиз аҳолига кўрсатадиган хизмат кўлами кенгайтирилди ва улар зиммасига янги вазифалар юкланди.

**Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан банд бўлмаган  
аҳолига кўрсатилаётган хизматлар:**

Республиканинг барча ҳудудларидаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш сифати ва турларини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2010 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан рўйхатга олинган 658,2 минг кишидан 566,3 мингтаси (ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4,4 фоизга ўсиш) ишга жойлаштирилди. Улардан 97,3 минг киши квотали иш ўринларига ишга жойлаштирилди. 50 та касб-хунарга йўналиши бўйича 16,8 мингга яқин ишсиз фуқаро касбга қайта тайёрланди (2009 йилнинг шу даврига қараганда режа 83,1 фоизга бажарилган). Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 78,9 минг киши жалб қилинди (21,6 фоиз ўсиш) (2.3.3-жадвал).

### 2.3.3-жадвал

**2010 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари (БК ва АИМҚМ) томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилган хизмат кўрсатиш турлари (минг киши)**

| Худудлар номи                       | БК ва АИМҚМ га мурожат қилганлар | БК ва АИМҚМ йўлланмаси билан ишга жойлашганлар | Қайта ўқишга юборилганлар | Жамоат ишларига жалб қилинганлар | Ишсизлик нафақаси тайинланганлар |
|-------------------------------------|----------------------------------|------------------------------------------------|---------------------------|----------------------------------|----------------------------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b>      | <b>658,3</b>                     | <b>566,3</b>                                   | <b>16,8</b>               | <b>46,6</b>                      | <b>32,1</b>                      |
| <b>Қорақалпоғистон Республикаси</b> | 47,3                             | 43,0                                           | 0,4                       | 5,0                              | 5,2                              |
| <b>Вилоятлар:</b>                   |                                  |                                                |                           |                                  |                                  |
| <b>Андижон вилояти</b>              | 55,1                             | 49,3                                           | 1,5                       | 2,4                              | 1,4                              |
| <b>Бухоро вилояти</b>               | 39,8                             | 31,7                                           | 1,3                       | 3,6                              | 1,6                              |
| <b>Жиззах вилояти</b>               | 32,5                             | 28,0                                           | 0,3                       | 2,1                              | 0,9                              |
| <b>Қашқадарё вилояти</b>            | 58,9                             | 52,2                                           | 0,7                       | 3,2                              | 2,1                              |
| <b>Навоий вилояти</b>               | 30,3                             | 26,8                                           | 1,1                       | 1,6                              | 2,1                              |
| <b>Наманган вилояти</b>             | 58,9                             | 49,9                                           | 0,5                       | 4,1                              | 2,4                              |
| <b>Самарқанд вилояти</b>            | 64,4                             | 59,0                                           | 0,7                       | 3,2                              | 1,2                              |
| <b>Сурхондарё вилояти</b>           | 38,0                             | 32,9                                           | 2,3                       | 2,3                              | 0,4                              |
| <b>Сирдарё вилояти</b>              | 20,9                             | 17,7                                           | 0,7                       | 1,0                              | 1,7                              |
| <b>Тошкент вилояти</b>              | 43,3                             | 39,2                                           | 0,6                       | 2,6                              | 3,4                              |
| <b>Фарғона вилояти</b>              | 76,7                             | 66,6                                           | 1,1                       | 6,7                              | 0,7                              |
| <b>Хоразм вилояти</b>               | 46,1                             | 32,1                                           | 0,7                       | 4,2                              | 2,4                              |
| <b>Тошкент шаҳар</b>                | 46,2                             | 38,0                                           | 5,0                       | 4,1                              | 6,4                              |

Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ҳар бир йирик қишлоқ аҳоли пунктида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ишга жойлаштириш бўйича муқом (стационар) пунктлар ташкил қилинган ва фаолият кўрсатмоқда. Республикада қишлоқ аҳолиси учун

кулайлиги ҳисобга олинган ҳолда, жами 1372 та шундай муқум пункт ташкил қилинди. Ҳар бир муқум пунктда ўртача 10-12 минг нафар қишлоқ аҳолиси ёки 2-2,5 минг оилага хизмат кўрсатилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатининг йўналишларидан яна бири «Аҳолини иш билан таъминлаш» ҳудудий дастурларининг амалга оширилишидир. Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши натижасида республикада ҳар йили бир неча юз минглаб янги иш ўринлари барпо қилинмоқда (2.3.3-расм).



Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

### 2.3.3-расм.

2.3.3-расмдан кўриниб турганидек, 2005-2010 йиллар давомида республикада яратилган иш ўринлари сони 520 мингтадан 950,0 мингтага ёки 82,6 фоизга ошган.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар

ташкил этиш, уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, уй-жойларни таъмирлаш ишлари кўламини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан яратилди (2.3.4-жадвал).

#### 2.3.4-жадвал

#### 2010 йилда Ўзбекистонда яратилган иш ўринлари сони, бирлик

| Йўналишлар                                                                                                      | Жами    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| Барча йўналишлар бўйича яратиладиган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)                                           | 950 001 |
| шу жумладан:                                                                                                    |         |
| Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш            | 56 316  |
| Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш                                                                | 347 408 |
| шундан:                                                                                                         |         |
| Саноатда                                                                                                        | 52 882  |
| Қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан, уй- жой қурилиши ва таъмирлаш                                    | 43 632  |
| Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш                                                                    | 129 177 |
| Уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш,                                                                    | 207 972 |
| шу жумладан,<br>корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида<br>фаолият олиб бораётган касаначилик | 62 518  |
| Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик,<br>чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар)                       | 127 732 |
| Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани<br>ривожлантириш                                                       | 61 320  |
| Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш                                                                  | 8 889   |
| Бозор инфратузилмасини ривожлантириш                                                                            | 11 187  |

#### Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалдан кўринадикки, мамлакатимизда 2010 йилда яратилган жами 950,0 мингдан ортиқ янги иш ўринининг 36,6 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш, 13,6 фоизи якка тартибдаги

тадбиркорликни ривожлантириш, 21,9 фоизи уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобидан ташкил этилган.

Республикада яратилаётган янги иш ўринлари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда (2.3.4-расм).



Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

### 2.3.4-расм.

Сўнгги йилларда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг янгича ва ноанъанавий кўринишларини жорий этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2006 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари

билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-3706 – сонли фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга мувофиқ, иш билан бандликнинг ушбу шаклини рағбатлантириш мақсадида бир қанча имтиёз ва кафолатлар кўзда тутилган (2.3.5-расм).



### 2.3.5-расм.

Республика ва унинг ҳудудларида Фармонда белгиланган чоратadbирларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли ўртасидаги меҳнат кооперациясини ривожлантириш мақсадида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг доирасида 2010 йилда мамлакатимизнинг 700 га яқин йирик саноат корхонасида 62,5 мингдан зиёд касаначилик ўрни яратилди. Натижада ишсиз юрган хотин-қизлар, уй бекалари, ёшлар, ногиронлар ва меҳнат бозорида эркин рақобат қилиш имконияти чекланган шахслар иш билан таъминланди.

Касаначилик меҳнاتини ривожлантириш борасида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелда қабул қилинган “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-616-сонли қарорига мувофиқ, касаначилик меҳнати тамойилларини транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустрияси тармоқларининг йирик корхоналарига ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик саноат корхоналарига ҳам қўллаш белгилаб қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлиги ва даромад манбаининг янги шакли ҳисобланган касаначилик меҳнатининг ривожланиши ва бу борада мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли қарори билан белгиланган чорвачиликни изчил ривожлантиришни амалга ошириш жараёнида, бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан шахсий ва деҳқончилик хўжаликларида қора мол етиштириш билан банд бўлган 101,8 минг аҳоли рўйхатга олинди. Уларнинг барчасига меҳнат дафтарчалари берилди. Айни вақтга келиб, меҳнат органлари томонидан қорамол етиштириш билан банд бўлган, рўйхатга олинган аҳоли сони 1,345 млн. кишига етди, бу банд бўлганлар умумий сонининг 11 фоизини ташкил қилади.

Янги иш ўринлари яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли катта бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ўзининг қатор хусусиятларига кўра, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Биринчидан, бу соҳа кам капитал сиғимига эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. Яъни, кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади.

Иккинчидан, кичик корхоналар учун капиталнинг қуйироқ техник тузилмаси хос. Яъни, кичик корхоналарда йирик корхоналарга нисбатан меҳнат бирлигига ишлатилаётган ишлаб чиқариш воситалари бирлиги

кўпроқ тўғри келади.

Учинчидан, кичик бизнес иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд бўлиши учун маъқулроқдир. Чунки, бу уларга ташаббус кўрсатиш ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Тўртинчидан, бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан шакллари қўллаш мумкин. Хўжалик юритишнинг бу субъектларидаги тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки ҳафтаси, ўриндошлик, мослашувчан иш графиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг турли тоифалари учун мақбул бўлади.

Бешинчидан, кичик бизнес асосан меҳнат сиғими кўп талаб этиладиган тармоқларда жадал ривожланиб, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг улкан соҳаси, давлат ва маҳаллий бюджетларга молиявий тушумларнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу афзалликларидан самарали фойдаланилмоқда ҳамда 2010 йилда иқтисодиётнинг бу секторида 476 мингтадан кўпроқ янги иш ўрни ташкил этилди (2.3.6-расм).

2.3.6-расмдан кўриниб турганидек, 2007-2010 йиллар давомида республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган янги иш ўринлари сони бир меъёрга ортиб борган, яъни ўтган тўрт йилда унинг сони 82,6 фоизга ошган.



## Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Шундай қилиб, мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2011–“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да ҳам бундай тадбирлар, айниқса меҳнатга лаёқатли аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, иқтисодиётимиз учун истиқболли ва зарур бўлган тармоқлар учун янги касб ва мутахассисликларга ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

### Аҳоли турмуш даражаси

**Аҳолининг номинал пул даромадлари 2010 йилнинг январ-ноябрида 32,3 фоизга, пул харажатлари ва жамғармалари 33,4 фоизга кўпайди.**

2010 йилнинг январ-ноябрида аҳолининг номинал пул даромадлари ва харажатлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

2.3.5-жадвал

|                                                                                                        | салмоғи,<br>фоизда | 2009 й.<br>январ-ноябрига<br>нисбатан фоиз<br>ҳисобида |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|--------------------------------------------------------|
| Жами пул даромадлари                                                                                   | 100,0              | 132,3                                                  |
| шу жумладан:                                                                                           |                    |                                                        |
| Меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан<br>олинган бошқа даромадлар                                        | 38,6               | 134,1                                                  |
| Ижтимоий трансфертлар                                                                                  | 14,5               | 131,4                                                  |
| Тадбиркорлик даромадлари (қишлоқ<br>хўжалиги маҳсулотлари сотишни қўшган<br>ҳолда) ва бошқа даромадлар | 46,9               | 131,1                                                  |
| <b>Пул даромадларининг сарфланиши</b>                                                                  | <b>98,0</b>        | <b>133,4</b>                                           |
| шу жумладан:                                                                                           |                    |                                                        |
| Истеъмол харажатлари                                                                                   | 70,7               | 130,3                                                  |
| Мажбурий тўловлар ва бадаллар                                                                          | 7,1                | 131,6                                                  |
| Омонатларда, қимматли қоғозларда<br>жамғармаларни йиғиш, валюта харид<br>қилиш ва бошқа харажатлар     | 20,2               | 146,3                                                  |

Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Аҳоли номинал пул даромадларининг асосий қисми (70,7 фоизи) истеъмол товарларини сотиб олиш ва кўрсатилган хизматларга тўлашга сарфланди. Истеъмол харажатлари 2009 йилнинг январ-ноябри билан солиштирилганда 30,3 фоизга кўпайди.

Мажбурий тўловлар ва бадаллар ҳиссасига пул даромадларининг 7,1 фоизи тўғри келади. Омонатларда, қимматли қоғозларда жамғармаларни йиғиш, валюта харид қилиш ва бошқа харажатларнинг улуши 20,2 фоизни ташкил этди.

**Аҳоли пул даромадлари сарфланишининг таркиби қуйидагича ифодаланади:**

(пул даромадларига нисбатан фоизда) 2.3.6-жадвал

| Йиллар      | Аҳоли пул даромадлар, жами | Товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар | Мажбурий тўловлар ва бадалларни тўлаш | Жамғармалар йиғиш, валюта харид қилиш ва бошқалар | Аҳоли пул қолдиғининг ўзгариши |
|-------------|----------------------------|------------------------------------------|---------------------------------------|---------------------------------------------------|--------------------------------|
| <b>2009</b> | 100,0                      | 71,8                                     | 7,1                                   | 18,3                                              | 2,8                            |
| <b>2010</b> | 100,0                      | 70,7                                     | 7,1                                   | 20,2                                              | 2,0                            |

Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

## **III-бoб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ПУЛ РЕСУРСЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

### **3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурини амалга оширишда пул-кредит сиёсатидан кенгрок фойдаланиш имкониятлари.**

2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё мамлакатлари банк-молия тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, ҳукуматлар иқтисодий сиёсатига ва унинг стратегик йўналишларига мос равишда амалга ошириладиган пул-кредит сиёсатига ўз таъсирини ўтказди.

Жаҳон мамлакатларида инқирозга қарши чоралар дастурида ажратилган молиявий маблағлардан фойдаланиш йўналишлари мамлакатлар бўйича бир-биридан кескин фарқланди. Масалан, Россияда ажратилган молиявий маблағларнинг 84 фоизи банклар ва компанияларнинг капиталлашиш даражасини оширишга йўналтирилди. Япония, Буюк Британия ва АҚШда эса, инқирозга қарши кураш учун ажратилган маблағларнинг асосий қисми молиявий мажбуриятларни кафолатлашга йўналтирилди. Шуниси характерлики, АҚШда компаниялар ва банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш ва активларни сотиб олишга ҳам катта миқдорда маблағ ажратилди.

Бугун дунё иқтисодиётидаги аҳволни таҳлил қилар эканмиз, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози ҳали-бери ниҳоясига етгани йўқ, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Дунёдаги тараққий топган 20 та давлат иштирокида ташкил этилган, "Катта йигирмалик" деб ном олган гуруҳ доирасида қабул қилинаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш

суръатларига эришиш йўлида ҳозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланаётгани йўқ.

Инқироз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия-банк соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номутаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда бозорни пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хом ашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда.

Жаҳон миқёсида конвертация қилинадиган асосий валюталарнинг бекарорлиги жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди. Бу, биринчи навбатда, ривожланаётган мамлакатларнинг ушбу валюталарга бўлган ишончига жиддий путур етказмоқда<sup>19</sup>.

Тараққий этган мамлакатларда компаниялар ва банкларнинг оддий акцияларини сотиб олиш йўли билан уларни миллийлаштириш усулидан кенг фойдаланилди. Шундай усулдан Россия Федерацияси амалиётида ҳам фойдаланилди.

Инқирозга қарши чоралар дастури дунёнинг турли мамлакатларида алоҳида ҳужжат сифатида ҳукуматлар томонидан ишлаб чиқилиб, унинг доирасида инқироз оқибатларини тугатиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур дастурлар қуйидаги тўрт бўлимдан иборат қилиб тузилиб, амалга оширилмоқда:

- банк тизимини қутқариш;
- пул-кредит сиёсати чора-тадбирлари;

---

<sup>19</sup> Каримов.И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2011й 22 январь.

- реал секторни қўллаб-қувватлаш;
- аҳолини қўллаб-қувватлаш.

Банк тизимини қутқаришнинг мақсади - банк саросимасидан қочиш ва миллий банк-кредит тизимининг инқирозини, беқарорлигини олдини олиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда инқирозга қарши чоралар дастури 2008 йил ноябрида қабул қилинган ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган.

Инқирозга қарши чоралар дастурида қўйилган стратегик вазифалар қуйидагилардан иборат:

- \* ташқаридан кириб келаётган рискларни юмшатиш ва бартараф этиш, мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш ҳисобидан инқироздан кейинги даврда Ўзбекистоннинг кучли стратегик позициясини яратиш;

- \* глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири натижасида қўрилган йўқотишлар ўрнини қоплаш;

- \* глобал инқироздан модернизациялашган, технологик жиҳатдан янгиланган иқтисодиёт билан чиқиш.

Республикамизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда банк тизимини молиявий қўллаб-қувватлашнинг банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш усулидан кенг фойдаланилди. 2009-2012 йилларда республикамиз тижорат банкларининг устав капитали 600 млрд. сўмга кўпаяди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолади”<sup>20</sup>.

Инқирозга қарши чоралар дастурида жорий конъюнктура ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқараётган мамлакатимиз

---

<sup>20</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т. Ўзбекистон, 2009 й.- б.52.

корхоналарининг ташқи бозорларидаги рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда мазкур корхоналарнинг айланма маблағларни гўлдиришлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш кўзда тутилди. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан экспансионистик пул-кредит сиёсатини амалга оширишни давр тақозосига айлантиради.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида ички бозордаги талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилган бўлиб, уни бажариш мақсадида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш кўзда тутилган. Бу эса, ўз навбатида республикамиз тижорат банкларининг инвестиция салоҳиятини ошириш орқали улар томонидан берилган кредитларнинг инвестицияларни молиялаштириш манбаларидаги ҳажмини сезиларли даражада оширишни талаб этади.

Тараққий этган мамлакатларда ва айрим ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда пул-кредит сиёсатининг ўрнини амалга ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

1. Марказий банklar томонидан тижорат банklarига қимматли қоғозларини гаровга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг ҳажми оширилди.

2008 йилнинг ўрталаридан бошлаб Европа Марказий банки айрим корпорацияларнинг акцияларини ва ипотека қимматли қоғозларини марказлашган ломбард кредитлари учун гаров сифатида қабул қила бошлади, натижада 2008 йилда 8 мингта банк ЕМБдан қимматли қоғозларни гаровга қўйган ҳолда, марказлашган кредитлар олиш имконига эга бўлишди<sup>21</sup>.

---

<sup>21</sup> European Central Bank Report 2007. –Fr/M/, 2008 маълумотлари.

2. Марказий банкларнинг дисконт ставкаларини эластиклик даражасини ошириш мақсадида уларни тез-тез ўзгартириш зарурати юзага келди. Масалан, АҚШ ФЗТ эса, 2007-2008 йилларда ҳисоб ставкасини 18 марта ўзгартирди<sup>22</sup>.

Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини тез-тез ўзгартирилиши қайта молиялаш сиёсатининг мослашувчанлик даражасини оширади ва шунинг асосида миллий валютанинг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Айрим мамлакатларда тижорат банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилигини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларига субординар кредитлар бериш амалиёти жорий қилинди.

Масалан, Россия Марказий банки томонидан тижорат банкларига субординар кредитлар бериш 2008 йилда амалга оширилди. Россия Марказий банки томонидан берилган субординар кредитларнинг асосий қисми мамлакатнинг энг йирик тижорат банкларн бўлган “Сбербанк”, “Внешторгбанк”, “Россельхозбанк”ларга берилди. Субординар кредитларнинг аксарият қисми (500 млрд. руб.) “Сбербанк”ка берилди.

Россия Марказий банкининг тижорат банкларини кредитлаш имконияти чекланганлиги сабабли, марказлашган кредитларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарни кредитлаётган ва аҳолининг депозит маблағларини кенг кўламда жалб қилган тижорат банкларига берилди.

2008 йилда Россия Марказий банкдан марказлашган кредитлар ола олмаган қатор кичик ва ўрга банклар банкрот бўлди.

4. Марказий банклар томонидан экспортни рағбатлантиришга қаратилган курс сиёсатини амалга ошириш объектив заруратга айланди.

Жаҳон молия инқирозининг муҳим оқибатларидан бири мамлакатларнинг экспорт тушумининг камайганлиги бўлди. Ўз навбатида, экспорт тушумининг камайиши давлатларнинг ички валюта бозорида хорижий валюталар таклифининг сезиларли даражада камайишига олиб

---

<sup>22</sup> <http://lenra.ru/news/2008/12/22/japan> сайти маълумотлари.

келди. Бунинг натижасида миллий валюталарнинг девальвацияланиш хавфи юзага келади. Бу эса, Марказий банкларнинг валютасиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, Японияда 2008 йилнинг ноябрь ойида экспорт тушуми 2007 йилнинг шу ойига нисбатан 26,7 фоизга камайди<sup>23</sup>.

Миллий валюта номинал алмашув курсининг пасайиши, яъни девальвацияланиши мамлакат корхоналарининг импорт тўловлари билан боғлиқ бўлган харажатларининг кескин ўсишига олиб келади. Аммо қатор мамлакатларда жаҳон молия инқирози туфайли ички валюта бозорида хорижий валюталар таклифининг камайиши юз берди. Бу эса, ўз навбатида, миллий валютанинг девальвацияланиши учун замин яратди.

Иқтисодий адабиётда девальвация кўпроқ салбий ҳолат сифатида қаралади. Аммо, фикримизча, жаҳон молия инқирози шароитида девальвациянинг мамлакат иқтисодиёти ривожини учун муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган хусусияти мавжудлигини назардан қочирмаслик лозим. Ушбу хусусиятнинг мазмунини шундан иборатки, инқироз шароитида кўплаб корхоналарда товарларни экспорт қилиш муаммоси юзага келди. Натижада уларнинг экспорт тушуми кескин камайиб, харажатларни тушуми ҳисобидан қоплаш муаммоси юзага келди. Айрим ҳолларда олинган экспорт тушумини миллий валютага сотиш натижасида олинган молиявий тушум корхоналар харажатларини қоплашга етмай қолди. Бундай шароитда миллий валютанинг девальвация қилиниши корхоналар экспорт тушумининг миллий валютадаги эквиваленти миқдорини оширади, яъни корхоналарнинг миллий валютадаги молиявий тушуми суммаси кўпаяди.

Девальвация мамлакат ички валюта бозоридаги хорижий валюталарга бўлган талабни кескин қисқартириш имконини беради. Масалан, 2009 йилнинг бошида Қозоғистон Республикасида миллий валютанинг 25 фоизга девальвация қилиниши мамлакат ички бозорида хорижий валюталарга бўлган талабни сезиларли даражада камайтирди.

---

<sup>23</sup> Японский экспорт сократился на четверть. <http://lenra.ru/news/2008/12/22/japan> сайти маълумотлари.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг юзага келишида АҚШ Федерал захира тизимининг (ФЗТ) ҳам ўрни бор. Айниқса, 2004-2006 йилларда ФЗТнинг дисконт ставкаси 2% даражасида сақлаб қолинди. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётдаги кредитлар таклифининг ошишига олиб келди. 2006 йилда дисконт ставкасининг 6 фоизга оширилиши кутилган самарани бермади, яъни “совун кўпиғи”нинг ёрилиб кетишини олдини ола олмади. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi банкларнинг ликвидлилигига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида марказий банклар дисконт ставкаларини яна пасайтиришга мажбур бўлдилар. Бу эса, "домино самараси"ни бериши мумкин. Яъни, арзон фоиз ставкалари кредитларга бўлган талаб янада ошиши, муддатида қайтмаган кредитлар эса,. талаб инфляциясини кескин кучайтириши мумкин. Фикримизча, бундай шароитда пуллар таклифини назорат қилиш самарадорлиги кескин пасаяди. Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатида аҳолининг тўловга қобил талабини истеъмол ва ипотека кредитлари ҳажмини ошириш орқали рағбатлантириш инқироз жараёнлари янада чуқурлашишига хизмат қилиши мумкин. Аммо Ўзбекистон Республкасида ипотека ва истеъмол кредитлари ҳажмини ошириш йўли билан аҳолининг тўловга қобил талабини рағбатлантириш юқорида қайд этилган салбий ҳолатларнинг юзага келишига олиб келмайди деб ҳисоблаймиз. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида ипотека ва истеъмол кредитларининг салмоғи юқори эмас (2008 йилнинг 31 декабр ҳолатига, ипотека кредитларининг тижорат банклари брутто кредитлари ҳажмидаги салмоғи ағиғи 3,7 фоизни ташкил қилди); иккинчидан, мамлакатимизда монетизация коэффицентининг даражаси паст (2008 йилда монетизация коэффицентининг амалдаги даражаси 18,8 фоизни ташкил этди). Шу сабабли, фикримизча, пул-кредит сиёсати аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тўловга қобиллигини таъминлашнинг қуйидаги устувор йўналишларига йўналтирилиши лозим:

- аҳолининг тўловга қобил талабини ошириш мақсадида истеъмор ва ипотека кредитлари фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг фоиз ставкаларини Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси орқали тартибга солишга эришиш лозим;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг эластиклик даражасини тижорат банклари ликвидлилигининг ўзгаришига мувофиқ равишда ошириш зарур;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш лозим.

### **3.2. Иқтисодий ўсишни таъминлашда пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш жараёнларини моделлаштириш.**

Пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш жараёнларининг иқтисодий ўсишга таъсири моделларини тузишда ва бу соҳада мавжуд муаммоларни тадқиқ қилишда аввало, “макроиқтисодий моделлаштириш” тушунчасини тўлиқ англаб олиш зарур. Интернет тармоғида макроиқтисодий бошқарув муаммоларига оид мақолаларни учратдик. Улардан бирида қайд этилишича, “Макроиқтисодий моделлаштириш деганда, иқтисодий-математик моделлаштириш ёрдамида мамлакат иқтисодиётида юз бераётган ретроспектив ва перспектив жараёнларни агрегациялаштирилган шаклда тадқиқ қилишни тушунамиз”<sup>24</sup>.

Мақола муаллифи мамлакат иқтисодий ҳаётининг барча асосий жиҳатларини ўз ичига олган иқтисодиётни тўлалигича макроиқтисодий тадқиқотлар объекти сифатида қабул қилади. Макроиқтисодий тадқиқот инструменти сифатида иқтисодий-математик модель қабул қилиниб,

---

<sup>24</sup> Федорова Г.В. Информационные проблемы макроэкономического моделирования. //Интернет-источник: [www.eriras.ru/papers/2008](http://www.eriras.ru/papers/2008).

иктисодиёт шу модель доирасида соддалаштирилган ва тадқиқот мақсадларига мос равишда тавсифланади.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар монетар сиёсатини моделлаштиришга бағишланган тадқиқот ишлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, сўнги вақтларда бу сиёсатнинг қисқа муддатли даврдаги таъсирини “векторли авторегрессиялар ёндашуви” (VAR approach) асосида ўрнатиш кенг тарқалган. Ушбу ёндашувни 1970 йилларда Р. Лукас, Т. Сарджент, К. Семс ва бошқа макроиктисодчи олимлар тадқиқ этишган<sup>25</sup>.

Кейинги йилларда янгича ёндашувларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Буларга макроиктисодий маълумотларнинг панелли таҳлили асосида моделлаштириш, пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш сиёсати қоидаларини моделлаштириш, умумий мувозанатнинг стохастик динамик моделларини ишлаб чиқиш (DSGE – Dynamic Stochastic General Equilibrium Model), шунингдек, VAR –моделларни бошқа ёндашувлар билан интеграциялаш SVAR (structural vector-autoregressive)-омиллар билан тўлдирилган векторли авторегрессия моделлари киради. Барча моделлар шакли ва тузилишидан қатъий назар, ягона мақсад - пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш сиёсати чораларининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирини аксэйтириш ва мавжуд трансмиссион механизм каналлари ҳамда уларнинг хусусиятларини аниқлашга мўлжалланган.

Умуман, пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмларини аниқлашнинг дескриптив услубига эконометрик моделларини тузишда фойдаланилган маълумотларнинг дастлабки таҳлилига асосланган усул сифатида қараш мумкин. Баъзи муаллифларнинг фикрича<sup>26</sup>, ушбу услуб векторли авторегрессиялар услуби ва макроиктисодий маълумотларнинг панелли таҳлилига нисбатан унча қатъий ва объектив эмас. Шу сабабли ундан фақат ҳодисаларнинг тавсифий таҳлилида фойдаланиш мумкин.

---

<sup>25</sup> Lucas, R (1976): “Econometric policy evaluation: a critique”.

<sup>26</sup> Дробышевский С.М., Трунин П.В Анализ трансмиссионных механизмов денежно-кредитной политики в российской экономике.-М.: ИЭПП, 2008.

Мавжуд моделларни танқидий нуқтаи назардан баҳолаш, шунингдек, пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш сиёсатининг самарадорлигини миқдорий баҳолаш усуллари ва параметрларини аниқ белгилаш зарурияти туфайли моделлаштиришда янги ёндашувлар юзага келди. Бу умумий мувозанатнинг стохастик динамик моделлари ёндашуви бўлиб, уни ишлаб чиқишда К. Симс, М. Вудфорд ва бошқа Ғарб иқтисодчиларининг ҳиссаси катта. К.Симснинг тадқиқотида кўрсатиб ўтилганидек, рационал кутилмаларнинг умумий чизиқли (ёки мувозанат даражаси атрофида чизиқлаштирилган) моделини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Gamma_0 Z_t = \Gamma_1 Z_{t-1} + C + \Psi \zeta_t + \Pi \eta_t \quad (1)$$

$$Z_t = [Y_t/P_t]$$

Бу ерда:  $C$  – константалар вектори,  $\zeta_t$  – экзоген тасодифий хатоликлар,  $\eta_t$  – кутилмаган хатолари вектори, Улар экзоген тарзда киритилмайди, лекин модель ечимининг бир қисми сифатида қаралади. Бу ерда  $\zeta_t$  векторининг элементлари асосий ҳисобланади. Улар омилларининг ялпи унумдорлик кўрсаткичидан ёки сиёсатнинг оптималлаштириш жараёнида аниқланмаган бошқа ўзгарувчилардан ташкил топади.

Оптималлаштириш жараёнида сиёсатнинг аниқлаштирилган бошқа ўзгарувчилари эндоген ўзгарувчилари ҳисобланади ва  $Z_t$  таркибига киради. Бунинг сабаби шундаки, оптимал сиёсатда иқтисодиётнинг жорий ва кутиладиган ривожланишида маълум даражадаги жавоб реакцияси содир бўлади. Тизимнинг  $t+1$  даврдаги ўзгарувчилари учун уларнинг  $t$  – даврдаги кутилмалари ҳам  $Z_t$  вектори таркибига киритилади, чунки модель келажакка йўналтирилган (forward looking) ҳисобланади. (14) моделни сонларнинг стандарт техникасини асосида ечиш мумкин. У қуйидагича ифодаланади:

$$Z_t = A_0 + A_1 Z_{t-1} + R \zeta_t \quad (2)$$

Бунда  $A_0$ ,  $A_1$  ва  $R$  матрицалари моделдаги тузилмавий ўзгарувчиларнинг чекланишларини ўз ичига олади. Кўриниб турибдики, моделнинг ечими

анъанавий векторли авторегрессиялар модели кўринишида тасвирланган. Бироқ, шоклар вектори ўлчамлари векторли авторегрессиялар моделига киритилган ўзгарувчилар ўлчамлардан кичик, демак, унинг стохастиклик хоссаси мавжуд. Бу муаммони бартараф этиш осон, бунинг учун моделга ўлчам хатоларининг зарур миқдорини киритиш лозим.

Айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, миллий иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, дастлабки ўринда кейнсча ва монетаристик пул назарияларига асосланган ва кейинчалик хатолар коррекцияси ёндашувини қўллагани ҳолда монетар сиёсатнинг иқтисодиётга таъсирига асосланган ҳолда монетар сиёсатнинг иқтисодиётга таъсирига асосланган макроиқтисодий моделлар тизимини яратиш мақсадга мувофиқ.

Моделлар фойдали бўлиши мумкин. Бунинг учун уларга доимо танқидий ёндашиш, моделлаштиришни эса оқилона мослаштиришга интилиш керак.

Бозор муносабатларига босқичма босқич ўтиш, миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар ва институционал ислохотлар олиб борилиши, банк ва молия тизими барқарорлиги таъминланиши пул-кредит соҳасини тартибланишнинг бозор инструментларини қўллашни тақозо қилди. Албатта бу борада монетар сиёсатни амалга оширишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш жараёнларини моделлаштириш соҳасида эришилган натижалар ва яратилган моделларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун таҳлилни пул назарияларининг ишлаб чиқилган моделларидан бошлаш лозим, зеро, замонавий моделларнинг аксарият қисми ана шу пул назариялари моделларига асосланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги даврда хорижий мамлакатларда пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш жараёнларини моделлаштириш борасида кенг миқдорда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Зеро, барча ривожланган давлатлар марказий банклари монетар сиёсатни олиб боришда маълум бир модель ёки андазага, қоидага таянган ҳолда иш юритмоқдаларки, бу ўз самарасини бермоқда. Бироқ,шуниси

аҳамиятлики, молия ва банк тизими ривожланган давлатлардан фарқли равишда, бозор иқтисодиётига энди қадам қўяётган мамлакатларда кўр-кўрона тарзда бирор моделни асос қилиб олиб, пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш жараёнларини амалга ошириш кутиладиган натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Бунинг учун миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, қўлланилиши мумкин бўлган модель ёки қонданинг афзаллик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим.

Юқоридагилар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ҳозирги кунда ЯИМ суръати ўсиши, инфляция даражасини пасайиши, инвестициялар ҳажми ортиши каби макроиқтисодий кўрсаткичлар билан ифодаландиган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш жараёнлари чора-тадбирлари таъсирини акс эттирувчи модель ёки моделлар тизимини яратиш долзарб масала ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, мазкур моделлар тизими пул-кредит сиёсатининг алоҳида инструментлари салмоғини ҳам акс эттириши, яъни, моделлар тизими иқтисодиётда монетар сиёсат трансмиссион механизмнинг ишлаш фаолиятини аниқлаб бериши лозим.

2. Макроиқтисодий моделлаштиришнинг мавжуд замонавий ёндашувларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, дастлабки ўринда энг кичик квадратлар услуги ва хатолар коррекцияси ёндашувини қўллаган ҳолда, монетар сиёсат ва макроиқтисодий кўрсаткичлар боғлиқлигининг иқтисодий-математик моделлари тизимини яратиш мақсадга мувофиқ.

3. Ривожланган давлатларда марказий банклар асосан Тейлор қондаси каби бир қатор монетар қондалар асосида пул-кредит сиёсатини амалга оширадilar. Тейлор қондасининг афзал томони шундаки, у бир вақтнинг ўзида инфляция, фоиз ставкаси ва иқтисодий ўсишни бир бирига боғлайди. Бизнинг иқтисодиётимиз учун бу қоида амал қилмаслиги мумкин. Бу

борадаги асосий муаммолардан бири етарлича узун вақт қаторлари тўпланмаганлиги ва баъзи статистик маълумотлар етишмаслигидир. Шундай бўлсада, келажакда Марказий банк Тейлор қондасига асосланган ҳолда пул-кредит сиёсатини олиб бориши юқори даражадаги самарага эришишига ёрдам беради.

4. Пул-кредит сиёсати ҳамда уй хўжаликлари пул ресурсларидан фойдаланиш жараёнларини моделлаштиришга оид хорижий тадқиқотларда ҳар бир инструментнинг ишлаб чиқариш ёки инфляцияга таъсири алоҳидалаштирилган, яъни улар бир биридан мустақил тарзда ўрганилган. Мазкур ҳолат монетар сиёсат инструментларининг мамлакат иқтисодий ўсишига биргаликдаги таъсирини аниқлаш имконини бермайди. Шу сабабли, пулнинг кейнсча ва монетаристик назариялари қарашларини асос қилиб логан ҳолда, пул-кредит сиёсати инструментларининг мамлакат иқтисодий ўсишига яхлит таъсирини аниқлаш имконини берадиган макроиқтисодий моделлар комплекс тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида бозор муносабатлари аҳолининг иқтисодий фаоллигига таъсири масаласининг мураккаблиги, янгилиги ва долзарблигига тегишли илмий тадқиқот соҳалари олдига ҳам катта вазифалар қўймоқда.

Ҳозирги пайтда уй хўжаликларида маблағларни жамғариш жараёни, маълум даражада, зиддиятли ҳисобланади. Бир томондан, кейинги йилларда унда баъзи бир ижобий тенденциялар кўзга ташланаяптики, хусусан, улар қуйидагиларда намоён бўлаяпти:

- кейинги йиллар давомида уй хўжаликларига тегишли бўлган молиявий активларнинг абсолют ўсиши бир неча мартага ошди;
- ташкил қилинган жамғармалар абсолют ва нисбий жиҳатдан ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган;
- мамлакатда тегишли инвестицион муҳит мавжуд бўлса, жамғармаларга эга бўлган ва уларни инвестицияларга жойлаштириши мумкин бўлган уй хўжаликларининг гуруҳлари шаклланди;
- уй хўжаликлари жамғармаларини инвестицияларга трансформация қилувчи молиявий воситалар кенгаймоқда: ипоте-кавий кредитлаштириш ривожланаяпти; инвестицион фондлар, нодавлат пенсия фондлари, суғурта компаниялари фаол фаолият кўрсатаяпти;
- тижорат банклари (шу жумладан, “Халқ банки” ва бошқа банклар) ўртасидаги рақобатнинг кучайиши аҳоли маблағларини жалб қилиш шакллари ва методларининг ривожланишига ўз ижобий таъсирини кўрсатди: тақдим этиладиган хизматлар доираси кенгайди, омонатларнинг янги турлари ишлаб чиқилди ва бошқалар;
- жисмоний шахслар омонатларини қисман компенсация қилишни кўзда тутувчи шахсий омонатларни мажбурий суғурта қилиш тизимининг яратилиши банк тузилмаларига бўлган ишончнинг ўсишига ўз таъсирини

кўрсатади ва уй хўжаликлари жамғармалар ташкил қилинган шакллариининг имкониятларини кенгайтиради;

- жамғарма жараёнларида фойдаланиладиган молиявий инструментлар даромадлигининг бир-бирига яқинлашуви янги молиявий пирамидаларни яратиш йўлига тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Жамғармалар ўзларининг инвестицион салоҳиятини тўлиқ амалга оширмапти ва уй хўжаликлари даромадларининг қўшимча манбаларига тўлиқ айланмаяпти. Бунинг устига, шўролар давридан кейинги йилларда уй хўжаликлари жамғарма фондларининг ўсиши истеъмол фонди ҳисобидан, яъни даромадлар таркибий тузилмасининг сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида эмас, балки истеъмолнинг иқтисод қилиниши ҳисобидан амалга оширилаётир.

Тарихий нуқтаи назардан истиқлолимизнинг қисқа йилларида уй хўжаликлари молияси масалаларида жуда катта ютуқларга эришилганига қарамасдан, бу ерда ҳамон талай муаммолар мавжуд. Уй хўжаликлари молиясининг энг муҳим таркибий қисми ва марказий бўғини ҳисобланган уй хўжаликлари бюджети даромадларининг жуда мураккаб тарзда ва катта қийинчиликлар эвазига шакллантирилаётганлиги, уй хўжаликлари жамғармаларини маълум бир меъёрлар даражасида ушлаб туришнинг зарурлиги, ҳамма вақт ҳам уй хўжаликлари активларидан самарали фойдаланилмаётганлиги ана шундай муаммолар қаторига киради.

Жамғариш жараёнининг соғломлаштирилиши иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа ривожланишини мувозанатлаштириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш билан узвий боғланган. Бу нарса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва истеъмол, даромадларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, молия пул муомаласи соҳаларидаги сақланиб қолган номутаносибликларга барҳам берилишини тақозо этади.

Ҳозирги шароитда уй хўжаликлари жамғармалари механизмини такомиллаштириш қуйидаги бир неча йўналишлар орқали амалга оширилиши лозим:

- аҳолини молиявий билимларини ошириш, молия институтларига бўлган ишончни орттириш ва бу орқали аҳолини қўлида тўпланиб қолган жамғармаларни муомалага кенг жалб қилиш;
- аҳоли реал даромадлари ва сотиб олиш қобилятининг ўсишини таъминлаш. Бу нарсa уй хўжаликлари жамғармаларга нисбатан мойиллигининг ўсишига ўз таъсирини кўрсатади;
- уй хўжаликлари активлари ишончли ҳамкорларда эканлигига ишонч уйғотиш. Бу тадбирни банк тизимидаги олға етакловчи ислохотлар, омонатчилар олдидаги масъулиятни ошириш, самаралироқ кредит сиёсати ва банк тизимидан фойдаланишнинг қулайликларини ошириш орқали амалга ошириш;
- маблағларни инвестицион жараёнларга жалб қилиш учун валюталарни сотиб олишга харажат қилинадиган жамғармаларнинг ташкил қилинган шакллари родини кўтариш ва молиявий оборотга “аҳоли қўлидаги пулларнинг ўсиши” моддаси бўйича маблағларни киритиш;
- жамғармаларни инвестицион ресурсларга айлантирадиган институтлар ва инструментларни ривожлантириш. Бунинг учун банк ва молия хизматларини диверсификация қилиш ва кенгайтириш, энг аввало, бадалли инвестицион фондлар ва суғурта компаниялари сингари жамоа инвесторлари институтлари ривожланишини янги сифат даражага ўтказиш, корпоратив облигациялар бозорини шакллантириш керак ва ҳ.к;
- яхлит олган ҳолда инвестицион “иқлим”ни ва жамғармалар бозорининг инвестицион муҳитини яхшилаш. Бу йўналиш бўйича инвестицион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантиришнинг роли юқори бўлмоғи лозим.

Уй хўжаликлари жамғармаларининг инвестиция ресурслари сифатида жалб қилиниши, нафақат ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, балки миллий даромаднинг кўпайишига, фаровонликни ошишига ва уй хўжаликлари яшаш сифатининг яхшиланишига сабаб бўлади. Ўз активлари ва жамағармалари орқали инвестицион жараёнга жалб қилинган аҳоли мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент**

#### **Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.-Т.: Ўзбекистон, 2007.
3. “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни” (янги таҳрири). – Т.: 2008.
4. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. -Тошкент, 1998.
5. “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1997 йил.
6. “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2010 йил 1 апрелдаги ПҚ-1315-сон. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.
7. “2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 17 ноябрь.
8. “Дивидент тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. 2009 йил 10 февраль, 1901-сон. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори.
9. “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”. 2009 йил 21 июль, 206-сон. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
10. “Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб-чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида”. 2009 йил 11 февраль, 40-сон. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

11. “Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2009 йил, 29 июль, 216-сон. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

12. “Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”. 2009 йил 24 июнь, 762-1-сон. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳайъатининг қарори.

13. “Ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида”. 2009 йил 11 декабрь, 312-сон. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

14. “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2009 йил 30 декабрь, ПФ-4161-сон. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг “Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 29-сон қарори.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011й 22 январь.

2. Каримов И.А “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепцияси 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик

палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.

3. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

4. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” – Т.: Ўзбекистон, 2010 йил.

5. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

6. “Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир”. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

7. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”.-Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

### **III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар**

1. “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-

4119-сонли Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида. 2009 йил 18 августъ.

2. “Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. 2009 йил 2 ноябрь, 2029-сон. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори.

3. “Дивидент тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. 2009 йил 10 февраль, 1901-сон. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида. 2009 йил 18 августъ, 1995-сон.

5. “Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларига қўшимчалар киритиш ҳақида”. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2010 йил 30 мартдаги 109-ҚҚ, 11, 03/ҚҚ-сонли қарори

#### **IV. Асосий адабиётлар**

1. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. - Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ». 2010 йил, 726 бет.

2. Юлдошев З.Ю, Маликов Т.С “Уй хўжаликлари молияси”. Ўқув қўлланма.-Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ». 2008 йил, 110 бет.

3. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти”. Дарслик. -Т.: МЕҲНАТ, 2009.

4. Абдурахмонов Қ.Х., Шарафуллина Т.А. “Экономика и социология труда”.–М.: Рос. экон. Акад. 2002.
5. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”. Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
6. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. “Иқтисодий таълимотлар тарихи”. Т.: «Молия». 2002. 491 бет.
7. Ш.Р.Холмўминов, Х.М.Ҳакимов, И.А.Боқиева, М.А.Аллаев, А.Т.Маҳкамбоев. “Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили”. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2004.
8. Удалова А.А. “Право социального обеспечения”. –М.: Омега-Л, 2010.
9. Борисов Е.Ф. “Экономическая теория”. -М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2008.
10. Экономическая теория: Учебник. –Изд., испр. и доп. / Под. общ. ред.акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. - М.: ИНФРА-М, 2005.
11. М.А.Сажина, Г.Г.Чибриков. Экономическая теория., М.: Норма, 2007.
12. Г.П.Журавлева. Экономическая теория. Микроэкономика 1-2. изд. «Дашков и К», -Москва, 2009.
13. Носова С.С. Экономическая теория. Учебник. КНОРУС, -М.: 2008.
14. Б.В.Салихов. Экономическая теория. Учебник, изд. «Дашков и К» - М.: 2006.

## **V. Қўшимча адабиётлар**

1. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа”. – Тошкент.: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

2. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

3. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1,2,3,4,5-қисмлар. Академик С.С. Ғуломов таҳрири остида. - Т.: ТДИУ, 2006. - 60 б.

4. Сапаров О. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида даромадларни тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш. (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ширкатлари мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, -Т.: 2001.

5. Хайитов Ш.Н. Проблемы обеспечения занятости населения и пути их решения в условиях структурных преобразований экономики (на примере Бухарской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., -Т.: 2002.

6. Маматов А.А. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида ЯИМ. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, -Т.: 2002.

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

1. “Ўзбекистон иқтисодиёти, таҳлилий шарҳ”, 2005-2010 йиллар.
2. “Ўзбекистон Иқтисодиёти” статистик маълумотлар тўплами. -Т.: 2005-2010 йиллар.
3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги йиллик ҳисоботлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг йиллик ҳисоботлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг йиллик ҳисоботлари.
6. “Халқ сўзи” газетаси. 2004-2010 йил сонлари.
7. “Иқтисодиёт ва таълим”журнали. 2010 №3 113-117б
8. “Ўзбекистон иқтисодий Ахборотномаси” журнали. 2010й №8 22-25б

## **VII. Интернет сайтлари**

1. Информационные сервер по внешнеэкономической деятельности [www.ftinform.com](http://www.ftinform.com)
2. [www.banki.uz](http://www.banki.uz) сайты маълумотлари.
3. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайты маълумотлари.
4. Ўзбекистон бизнес информацион портал [www.uzreport.uz](http://www.uzreport.uz)
5. Узбекская товарно-сырьевая биржа - глобальная торговая система охватывающая всю территорию Узбекистана [www.uzex.com](http://www.uzex.com)
6. [www.informer.ru](http://www.informer.ru)
7. Внешнеэкономический сервер России [www.rusimpex.ru](http://www.rusimpex.ru)
8. Экспорт информационно – технических оборудование [www.ixbt.com/export.shtml](http://www.ixbt.com/export.shtml)
9. Жаҳон савдо ташкилоти [www.wto.org](http://www.wto.org)
10. Международные перевозки - таможенное оформление [www.spoto.ru](http://www.spoto.ru)